БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 154 (18.332). • Якшанба, 1982 йил 4 июль • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев дам олиш учун 3 июль куни Москвадан жўнаб кетди.

Аэродромда Л. И. Брежневни Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ва бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ҒАЛЛАКОРЛАРГА —БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бошқли дон экинлари ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон сотиш, уруғлик фонд ғамлаш ва донни ташиб олиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар, колхозлар ва автоколонналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1982 йил июнь ойининг учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга беришга қарор қилдилар:

— Андижон области (область партия комитетининг секретари С. Мамарасулов, область ижроия комитетининг раиси Ж. М. Ҳасанов, область касаба союзлари Советининг раиси Т. Р. Каримова, область комсомол комитетининг секретари И. Ш. Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Д. Абдураззоқов, область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Н. П. Пак, область «Госкомсельхозтехника» раиси А. Алимов). Бу область бошқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш планини 96,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 19,2 процент, давлатга дон сотиш планини 114,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 81,5 процент, уруғлик ғамлаш планини 64 процент, шу жумладан ўн кунликда 37,5 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё областидан олиб берилади;

— Наманган области (область партия комитетининг секретари М. Камолов, область ижроия комитетининг раиси М. Обидшоев, область касаба союзлари Советининг раиси М. Эгамбердиев, область комсомол комитетининг секретари Д. Дадажонов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. М. Матмусаев, область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Отабоев, область «Госкомсельхозтехника» раиси Ю. В. Тимофейчев). Бу область бошқли дон экинларни ўриб-йиғиб олиш планини 65,9 процент, шу жумладан ўн кунликда 14 процент, давлатга дон сотиш планини 52 процент, шу жумладан ўн кунликда 35,3 процент ва уруғлик ғамлаш планини 24 процент, шу жумладан ўн кунликда 22,2 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областидан олиб берилади;

— Фарғона области (область партия комитетининг секретари А. Акбаров, район ижроия комитетининг раиси А. Сатторов, район касаба союз комитетининг раиси Д. Ж. Қодиров, район комсомол комитетининг секретари И. Муқаддасов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ш. Исроилов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори А. Абдуллаев, район «Госкомсельхозтехника» бошқарувчиси М. Мўйдинов). Бу район бошқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 54,5 процент, давлатга дон сотиш планини 103,1 процент, шу жумладан ўн кунликда 103,1 процент, уруғлик ғамлаш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё областининг Ғагарин районидан олиб берилади;

— Сирдарё область, Боёвут районидаги «1 Май» совхози (совхоз директори Н. Йўлдошев, партия ташкилотининг секретари М. К. Хушбоқов, ишчилар комитетининг раиси Н. Мансуров, комсомол ташкилотининг секретари Х. Шукуров). Бу совхоз бошқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент, давлатга дон сотиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозидан олиб берилади;

— Самарқанд область, Ургут районидаги А. Навоий номли колхоз (колхоз раиси Н. Бердиқулов, партия ташкилотининг секретари А. Зиёев, касаба союз комитетининг раиси Я. Юсупов, комсомол ташкилотининг секретари А. Рустамов). Бу колхоз бошқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 70 процент, давлатга дон сотиш планини 128 процент, шу жумладан ўн кунликда 128 процент бажарган ва уруғлик ғамлашни 108 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент адо этган. Байроқ Сурхондарё область, Жарқўрғон районидаги Н. Боймуродов номли колхозидан олиб берилади;

— Фарғона область автомобиль трестининг 2504-автоколоннаси (автоколонна бошлиғи Н. Обидов, партия ташкилотининг секретари В. Воронин, маҳаллий комитет раиси Х. Сулаймонов, комсомол ташкилотининг секретари К. Казаков). Бу автоколонна дон ташиш топшириғини ўн кунликда 131 процент бажарган. Байроқ 2508-Андижон область автомобиль трестидан олиб берилади.

— Бухоро область Ромитан районидаги ибн Сино номли совхоз (совхоз директори Т. Тошев, партия ташкилотининг секретари З. Олимов, ишчилар комитетининг раиси Н. Бещимов, комсомол ташкилотининг секретари А. Ҳафизов). Бу совхоз бошқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент, уруғлик ғамлаш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё область Кўкдала районидаги Охунбобоев номли совхоздан олиб берилади;

— Бухоро область Ромитан районидаги ибн Сино номли совхоз (совхоз директори Т. Тошев, партия ташкилотининг секретари З. Олимов, ишчилар комитетининг раиси Н. Бещимов, комсомол ташкилотининг секретари А. Ҳафизов). Бу совхоз бошқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 60 процент, давлатга дон сотиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент, уруғлик ғамлаш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозидан олиб берилади;

— Самарқанд область, Ургут районидаги А. Навоий номли колхоз (колхоз раиси Н. Бердиқулов, партия ташкилотининг секретари А. Зиёев, касаба союз комитетининг раиси Я. Юсупов, комсомол ташкилотининг секретари А. Рустамов). Бу колхоз бошқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш планини 100 процент, шу жумладан ўн кунликда 70 процент, давлатга дон сотиш планини 128 процент, шу жумладан ўн кунликда 128 процент бажарган ва уруғлик ғамлашни 108 процент, шу жумладан ўн кунликда 100 процент адо этган. Байроқ Сурхондарё область, Жарқўрғон районидаги Н. Боймуродов номли колхозидан олиб берилади;

— Фарғона область автомобиль трестининг 2504-автоколоннаси (автоколонна бошлиғи Н. Обидов, партия ташкилотининг секретари В. Воронин, маҳаллий комитет раиси Х. Сулаймонов, комсомол ташкилотининг секретари К. Казаков). Бу автоколонна дон ташиш топшириғини ўн кунликда 131 процент бажарган. Байроқ 2508-Андижон область автомобиль трестидан олиб берилади.

ПИЛЛАЧИЛИК СОҲАСИДА 1982 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1982 йилда пилла тайёрлаш, ҳар қути қурт уруғи ҳосилдорлиги ва пилланинг нав составини бўйича халқ хўжалик планини бажаришда энг юқори кўрсаткичларга эришиш учун областлар ва районлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари қуйидагиларда қолдирилсин:

— Давлатга 3150 тонна пилла сотган ва пилла тайёрлаш планини 110 процент бажарган, ҳар қути қурт уруғидан 78,6 килограмм, шу жумладан 92,5 процент навли пилла олган Самарқанд области;

— Давлатга 4307 тонна пилла сотган ва пилла тайёрлаш планини 107,1 процент бажарган, ҳар қути қурт уруғидан 76,2 килограмм, шу жумладан 93 процент навли пилла олган Андижон области.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари қуйидагиларда қолдирилсин:

— Жиззах областининг Жиззах районы;

— Самарқанд областининг Пахтачи районы;

— Фарғона областининг Киров районы.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари қуйидагиларга берилсин:

— Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл районы. Байроқ Беруний районидан олиб берилади;

— Андижон областининг Жалолқудуқ районы. Байроқ Избоскан районидан олиб берилади;

— Бухоро областининг Қоракўл районы. Байроқ Бухоро районидан олиб берилади;

— Қашқадарё областининг Яккабоғ районы. Байроқ Шаҳрисабз районидан олиб берилади;

— Навоий областининг Навбаҳор районы;

— Наманган областининг Чуст районы. Байроқ Янгиқўрғон районидан олиб берилади;

— Сурхондарё областининг Ангор районы. Байроқ Қумқўрғон районидан олиб берилади;

— Сирдарё областининг Сирдарё районы. Байроқ Боёвут районидан олиб берилади;

— Тошкент областининг Бўка районы. Байроқ Бекобод районидан олиб берилади;

— Хоразм областининг Янгибозор районы. Байроқ Урганч районидан олиб берилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми спортнинг ҳарбий-амалий турларини ривожлантириш соҳасида кўп йил, актив ишлаганлиги учун ДОСААФ Андижон область комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Эргаш Содиқович Мўминовга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада болалар хори санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети болалар хорининг бадиий раҳбари ва бош дирижери ўртоқ Шермат Ёрматовга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони берди.

ТАСС ахбороти

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ЭКИПАЖИНИНГ УЧИШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАДИ

КОСМОНАВТЛАР ВЛАДИМИР ЖОНИБЕКОВ, АЛЕКСАНДР ИВАНЧЕНКОВ ВА ЖАН-ЛУ КРЕТЬЕН ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

«Салют-7» — «Союз Т-5» — «Союз—Т-6» орбитал комплекси ичида биргаликдаги тадқиқотлар ва эксперименталр программаси муваффақиятли бажарилганидан кейин икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Жонибеков, Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси Александр Иванченков ва Франция Республикасининг граждани Жан-Лу Кретьендан иборат халқаро экипаж 1982 йил 2 июль Москва вақти билан соат 18 дан 21 минут ўтганда Ерга қайтиб тушди. Космонавтлар Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев «Салют-7» станциясидаги ишларни давом эттирмоқдалар.

«Союз Т-6» кемасининг туширилувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районида — Орқалиқ шаҳридан 65 километр шимоли-шарқда қўнди.

Космонавтлар Владимир Жонибеков, Александр Иванченков ва Жан-Лу Кретьен Ерга қўнгандаридан кейин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Халқаро экипаж «Салют-7» — «Союз Т-5» — «Союз Т-6» орбитал комплекси ичида ишлаган вақти давомида Совет Иттифоқи билан Франция олимлари ҳамда мутахассислари тайёрлаган пландаги илмий программа батамом бажарилди. Учиш чоғида Ер атмосфераси, планеталараро муҳит, галактик ва галактикадан ташқари нурланиш манбалари тадқиқ этилди. Космик материалшунослик программасига мувофиқ вазнсизлик шароитида металл қотишмаларининг диффузия ва кристаллашиш жараёнларини ўрганиш ҳамда космик технология методларини янада пишиқтириш мақсадида «Кристалл» қурилмасида эксперименталр бажарилди.

Учиш программасининг талайгина қисми медицина-биология тадқиқотларига ажратилди. Инсон организмининг вазнсизликка кўникиш хусусиятлари тўғрисида янги ахборот олинди. Қосмик учиш омилларининг турли биологик объектлар ривожига таъсирини ўрганиш юзасидан бир қанча экспериментлар бажарилди.

«Салют-7» станциясининг бундан бўёғи учиш чоғида космонавтлар Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев совет ва француз олимлари тайёрлаган экспериментларни давом эттирадилар.

Француз космонавти иштирокидаги халқаро экипажнинг муваффақиятли тугаган учиши Совет Иттифоқи билан Франция манфаатларини кўзлаб, космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорликни давом эттириш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.



Совет — Франция экипажи Ерда. Чапдан ўнга: Александр Иванченков, Владимир Жонибеков ва Жан-Лу Кретьен.

ТАСС махсус мухбирлари **А. Пушкарев** ва **В. Кузьмин** телефотоси.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚУТЛОВЛАРИ

МОСКВА, 2 июль. (ТАСС). Франция Республикасининг Президенти Франсуа Миттеран тадқиқотчи космонавт Жан-Лу Кретьенга табрикнома юборди. Унда бундай дейилади: Бутун учиш программаси муваффақиятли тугаганидан сўнг сизнинг қайтиб келган пайтингизда сизга, шунингдек Совет Иттифоқидаги ҳамкасбларингиз Владимир Александрович Жонибековга ҳамда Александр Сергеевич Иванченковга менинг шахсий қутловларимни топширишингизни хоҳлайман.

Шу учиш натижасида халқаро илмий жамоатчилик кўпдан-кўп қимматли маълумотлар олдики, булар медицина ва биологияни, материалшунослик ва астрономияни янги-янги ютуқлар сари олиб боради.

Бу учиш Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида космик фазони тинчлик мақсадларида ўрганиш ва ўзлаштириш соҳасида ва ўзаро мумкин қадар кўпроқ наф кўриш доимий иштиқида ўн беш йилдан кўпроқ ривожланиб бораётган самарали ҳамкорликнинг яққол далили ҳам ҳисобланади.

Ниҳоят бу учиш Франция халқининг анъанавий дўстлик муносабатларини ҳамда Хельсинкида тузилган битимларда мустаҳкамланган ҳуқуқларни ҳурмат этиш асосида Европада тинчлик ўрнатиш ҳамда қитъамиздаги барча халқлар ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш борасидаги эзгу ниятларининг рамзидир.

Ердаги дастлабки қадамлар

ОРҚАЛИҚ, 2 июль. (ТАСС махсус мухбири Н. Железнов). Баллистиклар белгилаган кеманинг қўниш жойидан бир неча ўнлаб километр нарида жойлашган аэропорт кутиб олишга тайёр. Биринчи француз космонавтининг дублери Патрик Бодри бу ерга келган француз журналистларига Ерга тушаётган кеманинг экипажи ҳозир нималар билан шуғулланаётганлигини гапириб беради. «Вертикал бўйича!» деган команда янграйди. Тўғрга дашт узра ярим соат учгандан кейин биз вертолётдан туриб, кишини тўлқинлантирувчи манзарани кўрдик: ям-яшил бўйдойзор ўртасида парашют гумбази кўзга ташланарди.

Космонавтлар кемадан чиқиб, енгил шезлонгларга ўтириб олишган. Уларнинг ҳорғин чеҳраларида севинч табассуми акс этарди. Жан-Лу Кретьеннинг кўлларида дашт гуллари. «Партия XXI съезди» совхозининг механизаторлари совет—француз экипажини ерда биринчи бўлиб табрикладилар. Тушиурувчи аппарат ҳайдалган майдондан юз метрча нарида Ерга қўнди. Космонавтларни тўқ сариқ палатка кутарди. Улар бу палаткада 15 минут дам оладилар. Улар Ер билан бўлиб ўтган қизғин учрашувдан қорайиб кетган кема ёнига келадилар ва Жан-Лу бўр билан унинг корпусига «Раҳмат!» сўзини ёзади. Жонибеков эса «Мустаҳкам ва пишиқлиги учун раҳмат!» сўзларини қўшиб қўяди. Уларнинг учаласи ҳам илм-фан ва дўстлик йўлидаги яна бир космик парвознинг муваффақиятидан бахтиёр ва мамнун ҳолда Ерда қадам ташлаб борадилар.

РЕЗЕРВЛАРДАН КЕНГРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ОРЕНБУРГ. 2 июль. (ТАСС). Ҳозирги вақтда Оренбург деҳқонларининг бутун иши КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг, ўртоқ Л. И. Брежнев докладининг чуқур таъсири остида давом этмоқда. Қишлоқда вужудга келтирилган иқтисодий потенциал резервларидан кенг фойдаланиш область агросаноат комплекси меҳнаткашларининг диққат марказида турибди. КПСС область комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қила туриб, асосий эътиборни мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига область меҳнаткашлари қўшаётган ҳиссани кўпайтиришга қаратдилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш билан боғлиқ бир қанча проблемалар муҳокама қилинди. Докладда ва сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида ер унумдорлигини ошириш, деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтириш зарурлига тўғрисидаги асосий фикр билдирилди.

Пленум иштирокчилари область асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ишига катта ҳисса қўшаётганлигини қайд этиб, дон етиштиришни кўпайтириш ғоят муҳим эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин нутқ сўзлади.

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Қорақалпоғистон область партия комитети Беруний номли совхоз коллективининг 1982—1985 йилларда пахта, гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларини маъқуллади. Беруний районидаги бу илғор коллектив КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, шу беш йилликнинг охирида пахтанинг ялпи ҳосилини 15 минг тоннага етказиш, гўшт етиштиришни 2 ҳисса, сутни 1,5 ҳисса, тухумни 4 ҳисса кўпайтиришга қарор қилди. Экин майдонларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорлик оширилади, қорамолларнинг бош сони кўпайтирилади, насли яхшиланади. Гўштга топшириладиган қорамолнинг тирик вазни 450—500 килограммга етказилади. Ҳар 100 сигирдан 90 тадан бузоқ олишга эришилади. Чорвачиликнинг озуқа базаси мустаҳкамланади.

Автоном республика колхоз ва совхозларининг коллективлари бу ибратли ташаббусга қўшилиб, пахта, шоли, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборишлар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ

Тошкент политехника институтининг қишлоқ хўжалик машинасозлиги факультетида икки каторли вертикал шпинделли «Политехник» пахта териш машинаси яратилди. Махсус қурилма машина ишлаб турган пайтда шпинделлар оралиғини мослаб туради. Шпинделлар арзон ва пишик полимер материаллардан тайёрланган.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. А. ЖОНИБЕКОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космоса учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Владимир Александрович **Жонибеков Ленин ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1982 йил 2 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. С. ИВАНЧЕНКОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космоса учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Александр Сергеевич Иванченков **Ленин ордени** ва **иккинчи «Олтин Юлдуз» медали** билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ А. С. Иванченковнинг жасоратини нишонлаш учун қаҳрамонининг ўртида бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1982 йил 2 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГРАЖДАНИ КОСМОНАВТ-ТАДҚИҚОТЧИ ЖАН-ЛУ КРЕТЬЕНГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космоса учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Франция Республикасининг граждани космонавт-тадқиқотчи Жан-Лу **Кретьенга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин ва Ленин ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз» медали** топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1982 йил 2 июль.

КОНСТРУКТОРЛАР, РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ВА ИХТИРОЧИЛАР ҲАФТАЛИГИ

СССР 60

ЭЛ ХИЗМАТИДА

КПСС XXVI съезди қарорларини изчил амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган совхозимиз ишчи-хизматчилари халқ хўжалигининг барча тармоқларида йил сайин қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Чунончи, 1981 йилда давлатга 13 минг 257 тонна пахта, 148,7 тонна пилла, 2135 тонна сут, 246 тонна гўшт, 600 тоннага яқин сабзавот, хўл мева сингари турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

Эришилган бу муваффақиятлар қўлга киритилишида, шубҳасиз, фан-техника тараққиётининг, илғорлар тажрибасининг роли катта бўлди. Совхозда 58 та ҳайдов, 75 та транспорт тракторлари, 186 та чопиқ, 19 та махсус механизмлар бўлиб, уларнинг бекаму-кўст ишлаши ва доимо соз бўлиб туришида хўжалик ихтирочилар ва рационализаторлар бошланғич ташкилоти аъзоларининг юз кишига кўпайтириш, рационализаторлар сафини саксон кишига етказиш ва уларнинг таклифлари туфайли келаётган иқтисодий самаралар миқдорини 33 минг сўмга ошириш мажбуриятини олганлар.

Бундай ҳаракат КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини, СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишда катта ёрдам беради. Хўжалигимиз ихтирочи ва рационализаторлари совхоз экономикасини кўтариш, саноат учун хом ашё етказиб бериш ҳажмини оширишдан иборат муҳим хўжалик вазифаларини бажаришда бундан буён ҳам ижодий меҳнат намуналарини кўрсатаверадилар.

Ҳайдар ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона область Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли совхоз ихтирочилар ва рационализаторлар бошланғич ташкилотининг раиси.

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

РАЙКОМ СЕКРЕТАРИ

Рустамов кабинетга кирди-ю, эшик ёнида бир пас туриб қолди. Хонани кўздан кечирди. Чап деворда осилгина соат Ўнгда — областнинг иқтисодий харитаси, китоб тўла шкаф. Стуллар содда, бежирим. «Ажойиб камтарилик» — кўнглидан ўтказди у.

У бу ерга келгандан буён ўз жойига биринчи марта ўтириши. Ҳозирча ҳеч кимга топшириқ бергани йўқ, ишларни ҳам сурштирмайди. Аниқроғи, кабинетда бугун ҳам зарур иш йўқ. Лекин, елкага юк қўйилгани, тортиш, вақтида манзилга етказиш масъулияти уни бу ерга бошлаган...

«Жуда қийин вазифа топширилди, ишончи оқлай олармиканман?» Область партия комитети бюроси Жарқўрғон район партия комитети биринчи секретарлигига юбораётган пайтдаёқ унинг хаёлига шу фикр келган эди.

Чори Алматов Жарқўрғон район партия комитетининг биринчи секретарлигида роса ўн йил ишлади. Бу йилларда район ҳар жиҳатдан гуркираб ўсди. Алматовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганлиги унинг меҳнатлари эътирофи.

Бироқ бир жойда узоқ ишлаш раҳбарнинг ташаббускорлигини сусайтириши, у фойдаланиши лозим бўлган резервларни кўрмай қолиши ҳам мумкин-да. Ахир, баъзан киши ўз юрагида, вужудида бўлаётган ўзгаришларни сезмай қолади. Бу-ку катта бир район. Янги раҳбар районга ўз қўли билан карайди. Ўзича идрок қилади ва бошқалар сезмаган имконият, резерврларни илғаб олади. Шундагина ютуклар янада мустаҳкамланади.

Шўрчи район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Эшниёз Рустамов зиммасига Алматовдек тажрибали раҳбар, тобланган коммунист илғамаган резервларни топиш, имкониятларни ишга солишдек масъулият юклатилган. Рустамовни масаланинг ана шу томони ташвишлантирарди.

Телефон жиринглади. «Сурхон» совхозининг директори Давлат Алибоев қўнғироқ қилаётганди.

— Олдиндан маълум қилиб қўймоқчи эдим, — деди Алибоев, — Имкониятларни ҳисобласак, яна бир ҳафтадан сўнг 1974 йил планининг 75 процента миқдорида гўшт тайёрлашимиз мумкин экан. 3 январь куни «Қизил карвон» ташкил этиш тараддудини кўряпмиз.

— Офарин, Давлат ака, Эртага мен ҳам совхозингизга тушаман, — деди Рустамов. У трубкани қўяркан, ўрнидан турди. Оҳиста юриб, дераза ёнига келди. Пардани суриб, ташқарига қаради. Боботоғ устида чинни лагандек оппоқ ой кўтарилган, кулранг бўлутлар тарқалишиб, мовий осмон юлдузларга тўлган эди. Томлар оқиш, ер нури қуйилиб турган тор чўққилари жилмаяётгандек эди. Рустамов негадир ўз ҳаёт йўлини ана шу чўққиларга кўтарилувчи суқмоқларга қиёс қилди. Назарида, у чўққилардан бирига чиққан-у, иккинчиси — юксакроғига интилаётгандек эди. Алибоевнинг хушхабаридан унинг руҳи кўтарилган, оқшом гўзаллиги дилини ёриштирган эди...

1965 йил январида Эшниёз Рустамов Шўрчи район партия комитетининг биринчи секретарлигига сайланди. Рустамов шу районда ўсиб-улғайган, табелчиликдан меҳнат фаолиятини бошлаб, район комсомол комитети секретари, колхоз раиси, район ижроия комитети раиси бўлиб ишлаган, анча тажриба орттирган, Москва, Тошкент Олий партия мактабларида таълим олган бўлса-да, дастлабки куни бироз чўчиган эди. Ўшанда собиқ биринчи секретарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Давлат Алибоев уни табриклаб: «Дадил ишга киришинг. Коммунистлар уюшқоқлик кўрсатган жойда ютуқлар бирин-кетин келаверади. Коммунистлар жанговарлигини ошириб боринг, уларга таяниб ишланг» — деган эди.

Рустамов район чегарасини яна бир сидра айланиб, имконият ва резервларни чамалаб чиқди. Мутахассислар, тажрибали раҳбарлар билан маслаҳатлашди. Ниҳоят, сув таъминотини яхшилаш масаласи райком бюросида муҳокама этилди.

Районда сувнинг кўпайиши, қишлоқ хўжалиги ишлари техника зиммасига юкланиши, ишлаб чиқаришга илмий ёндашиш, кадрларни тўғри танлаш ва улар масъулиятини ошириш туфайли Шўрчи районининг иқтисодий жиҳатдан юксалди. Район бўйича пахта ҳосилдорлиги тўққиз йил давомида қариб 12,5 центнер кўтарилди. 1965 йилда давлатга 53 минг тонна пахта сотган шўрчиликлар тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида 86,5 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» хирмони яратдилар. Чорвачилик ҳам яхши ривожланди. Қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Қумқўрғон поселкаси шаҳарга айланди. Шу тўққиз йилда пахтачиликдан икки киши, бир қурувчи, бир чорвадор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони шарафи унвонига сазовор бўлишди. Рустамовнинг ўзи «Ҳурмат Белгиси», Октябрь революцияси, Ленин орденлари билан тақдирланди.

Шу пайт телефон жиринглади. «Москва» колхозининг раиси Искандар Холматов гапирарди:

— Галлакорларимиз бир ташаббус кўтаришди. КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан оширилган мажбурият олдилар. Райониинг барча галлакорларини Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигини муносиб совға билан кутиб олиш учун кўрашга даъват этишмоқчи. Шу ҳақда Сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим.

— Ажойиб иш, айни муддао, Ўртоқ Холматов, мурожаат текстн тайёр бўлса, эртага соат 8 да олиб келинг.

— Хайрли тун.

Биринчи секретарь соатига қаради. Соат миллари 12 рақамига яқинлашиб колган эди. Ў ҳар қачонгидек йирик қадамлар билан тез-тез юриб кетди. Ташқарида мудек ҳаво кезиб юрар, атроф ой нурига чўмилган эди. Ў беихтиёр нурли чўққиларга қаради. Улар янада салобатли, жозибали кўринди.

Эшниёз Рустамовнинг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб колган ўша оқшомнинг ўтганига тўққиз йилдан ошибди. Янада юксак, янада нурли чўккилар сари бошлаган ўша оқшомда у ўзининг қариб ўттиз беш йиллик меҳнат фаолиятини, оила бошлиғи юкини елкасига олиб ҳаёт сўқмоқларидан гоҳо қўпилган, гоҳо шаҳдам, дадил юрган кунларини кўз олдидан бир-бир ўтказган, партия қаерга юборса, қандай вазифани топширса, бутун билими, куч-қувватини сарфлашга аҳд килган эди. Ўтган тўққиз йил мобайнида ана шу аҳдига қатъий амал килиб, партия йўлини мустаҳкам тутди, халқ манфаати, юрт ободлиги учун сидқилиллан меҳнат килди.

Ҳосилдорлик гектаридан 40 центнердан оширилган районда пахта етиштиришни янада кўпайтириш зарур эди. Янги секретарь район хўжаликларини айланар экан, эътиборни кўпрок шу масалани тезрок ҳал этишга қаратар, имконият ва резерв ахтарарди. Имконият ҳам, резерв ҳам топилди: кўпчилик хўжаликларда пахта майдонлари касалланган, алмашлаб экишни изга солиш учун янги ерлар очиш керак. Аес ҳолда ялпи ҳосил камаяди. Экин майдонларини кенгайтириш учун эса сув таъминотини кўпайтириш зарур.

Бу масалалар ҳал этиладиган пайтда Ўзбекистон партия-ҳукуматининг «Республикада ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ипак пахта етиштиришга ихтисослаштириладиган районлар қаторида Жарқўрғон ҳам таъкидланган эди. Район коммунистлари бир-бирига узвий боғлиқ бўлган алмашлаб экиш, янги ерлар очиш, ипак пахтага ихтисослаштириш масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши хўжаликларда сув таъминотини яхшилашга боғлиқ, деган қарорга келдилар. Сув таъминотини яхшилаш учун Рустамов тажрибалари кўл келди. Асосий куч сув йўлларини кенгайтиришга, район территориясидан ўтадиган Занг каналини реконструкция қилишга, Жўрқўрғон гидроузели имкониятларини кўпайтиришга сафарбар этилди. Икки ой давомида халқ хашар йўли билан меҳнат қилди. Натижада ўша йили район хўжаликлари аввалги йиллардагидан саккиз қубометр ортиқ сув оладиган бўлишди. Хамма хўжаликлар аввалдан пахта етиштирилган майдонларнинг бир қисмига беда, пахта экиладиган қисмига фақат ингичка толали нав пахта чигитини экадиган бўлишди. Район хўжаликларининг кўпи уч йил давомида тўла ингичка толали пахта етиштиришга ўтиб олишди. алмашлаб экиш, муваффақиятли қўлланиладиган бўлди.

Алмашлаб экиш туфайли ем-ҳашак базаси мустаҳкамланиб, чорвачилик ривожланишига кенг имконият очиб берди.

Район меҳнаткашлари партия ташкилоти раҳбарлигида имкониятлардан моҳирлик билан фойдаландилар. Райониинг ялпи пахта хирмони 16 минг тонна кўпайди. Барча тармокларнинг муваффақиятли тараккиёти натижасида Жарқўрғон ва Шўрчи районлари базасида 1978 йил апрелида янги — Қумқўрғон райони ташкил этилди. Жарқўрғонликлар район территориясида ўша йили ташкил этилган Оқтепа сув омбори оби ҳаёт манбаига таяниб, Боботоғ бағридан янги ердар ўзлаштирдилар. «Шарқ юлдузи», Ҳ. Олимжон номли. «Жарқўрғон» совхозларининг кўпчилик деҳқонлари янги ерларга кўчиб чиқдилар. Асосан чўл ерларда ипак пахта етиштиришга карамай, районда пахта етиштириш тез суръатларда ўсди. Кейинги уч йилда пахта хирмони қариб 10 минг тонна юксалди.

Районда съездлар йилидаги натижалар ҳар қачонгидан салмоқли бўлди. Ватанга аввалги йилдагидан 6,6 минг тонна кўп — 44 минг тонна пахта етказиб берилди. Ипак пахта ҳосилдорлиги қариб 37 центнерга етди. Бу борадаги план 126 процент бажарилди. Бошқа соҳаларда ҳам катта ютуқларга эришилди. Эшниёз Рустамов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Эшниёз Рустамовнинг ёшлигидаёқ болаларга ҳурмат билан қараш одати улғайган сари, айниқса, эл-юрт оқсоқоли бўлгандан кейин янада кучайди. «Болалар — келажагимиз, партия ҳамма яхши нарсалар болалар учун бўлсин, деб таълим берянти». Бу гапларни у каттакичик йиғилишларда ҳам, хўжаликларда, корхоналарда бўлганида ҳам, оддий одамлар даврасида ҳам тез-тез такрорлайди.

Бир куни нефть-газ чиқариш бошқармаси раҳбарлари бир иеча чизмалар билан келишди. Рустамовнинг столига чизмаларни ёйиб, изоҳ беришди: булар болалар шаҳарчасининг лойиҳаси эди.

— Офарин, ўртоқлар, — деди Рустамов. — Гап бундай бўлибди-да! Қаранг-а, бу жуда ажойиб-ку!

У чизмаларни завқ билан кузатаркан, кўнглидан: «Ҳа, одамларга эркин фикрлашга, ижодий меҳнат килишга кенг йўл очиб бериш керак, барча яхши фикрлар оддий одамлардан чиқади», — деб ўйларди. Ўша куниёк мутасадди ташкилотлар билан маслаҳатлашилди. Болалар шаҳарчаси қурилишини тезлаштириш чоралари кўрилди.

Хўжаликларнинг маркази айрим район марказидан ҳам обод эканлигини кўрган меҳмонлар Рустамовдан ишлаб чиқариш планларини муттасил бажариб бориш билан турмуш маданиятини ҳамма жойда деярли бир хил тарзда юксалтиришнинг удасидан қандай чиқа олаётганини, албатта, сўрайдилар. Бундай пайтда у жавоб беришга шошилмайди. Меҳмонларнинг эътиборини кундалик оддий воқеалардан бирига жалб этади-да, ана шунинг якунидан хулоса чиқариб: «Яратиш учун имконият яратиш зарур». — деган фикрни ўқтиради.

Ҳамид Олимжон номли совхозда бўлишган меҳмонлардан бири хўжаликдаги озода-саранжомлик, ҳар жабҳада уюшқоқлик ва интизомлиликдан завқланиб, Рустамовга: «Сизда шоирона дид бор, шеърлар ҳам ёзасизми?» — деб ҳазиллашганида у: «Районимизда ҳамма ижодкор», — деди-да, дарҳол гапининг мазмунини изоҳлаб, шу совхозга улуғ шоир номи берилиши билан боғлиқ воқеани эслади: Совхозга қандай ном бериш масаласи қўйилганда бир механизатор йигит сўз олиб: «Районимизда шоир ёки ёзувчилар номи билан аталадиган хўжалик йўқ. Совхозимиз табиати жуда кўркам, мен унга оташин шоир Ҳамид Олимжон номи берилишини сўрайман», — дейди. Бу гапни ҳамма қарсаклар билан кутиб олади.

Биз районга етиб келган пайтимизда Рустамов хўжаликларга чиқаётган экан. Ҳамроҳ бўлдик. Суҳбатимиз дарҳол уланиб кетди. Пахта пайкалларини оралаб кетган тош йўллардан оҳиста бораркан, биринчи секретарь кўпроқ бирон воқеа ҳақида қизиқ ҳикоялар гапирар, гўё даладаги ишлар билан қизиқмаётгандек эди. Мутасадди кишиларни учратганда ҳам уларнинг гапларини эшитар, таклифларнинг мазмунини сурштирар, кисқагина қилиб «маъқул» ёки «номақуллигини», зарур бўлса, ёрдам кўрсатишини айтарди.

— Ҳеч кимга топшириқ бермайсиз, иш ҳам буюрмайсиз, нукул сиз топшириқ олдингиз-ку, — деди ҳамроҳларимиздан бири.

Рустамов шарақлаб кулди, кисиқ кўзларида қувонч порлади. Бир пасдан кейин жавоб қайтарди: — Топшириқни йил бошида олишган. Ҳар бир коллектив мажбурият кабул килишда аввал ўзларича ишларини режалаштиришади. Энди ақл ўргатсак, ҳисобидан адаштирамиз, яхшиси, биз уларга режаларини амалга оширишларида ёрдамлашайлик. Вазифамиз ҳам улар ҳал эта олмаган ишда кўмаклашишдан иборат-да!

Шу пайт дала четида оҳиста сузаётган лочин пастга шўнгиди-ю, ўлжасини кўтариб, янада баландрок — яшилланиб ётган адрлик тарафга парвоз килди.

— Кўрдингизми? — деди Рустамов ҳамроҳимизга. — Шу қуш ҳам ўз режаси билан иш тутади. Ўзига ишончи туфайли омадга эришади.

Ҳамроҳимиз жилмайганча, бош иргаб, биринчи секретарь фикрини маъкулларди. Ҳаёлида Жарқўрғоннинг тобора юксалишида райондаги ҳар бир коммунист, коллектив раҳбари меҳнатга ижодий ёндашаётганлиги бош манба эканлигини тасдиклаётгани шундайгина сезилиб турарди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Р. АБДУРАҲМОНОВ.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Сув транспорти ходимлари мамлакатнинг ички ва ташқи савдо юкларини ташишга бўлган эҳтиёжини аниқ ва ўз вақтида таъминламоқдалар: денгизчилар ва дарё ходимлари йилнинг биринчи ярми топшириқини муваффақиятли бажардилар. Илғор транспорт технология системаларининг жадал жорий этилиши ва ривожлантирилиши тармоқ коллективлари ишининг самарадорлигини ошириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида флот составида ихтисослашган, кўп вазифаларни бажарадиган кемалар пайдо бўлади. Шимолнинг узайтирилган навигация шароитида ишлаш учун мослаштирилган кўплаб кемалар қурилмоқда. Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари ишни янада такомиллаштириш, партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини муваффақиятли равишда бажариш йўллари тўғрисида гапирдилар. Йиғилиш 2 июль куни Москвада бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. С. Симонов, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, социалистик мусобақа ғолиблари, пойтахт жамоатчилигининг намояндалари президиумдан жой оладилар.

Денгиз флоти министри Т. Б. Гуженко доклад қилди.

(ТАСС мухбири).

ЁШЛАР—ҚИШЛОҚҚА

Миллионлаб совет йигит ва қизлари СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда, актив қатнашиб, «Мамлакатнинг озиқ-овқат конвейерига — комсомол тамҳўрлиги» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. ВЛКСМ Марказий Комитетининг 2 июль куни Москвада бўлиб ўтган пленумида озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришни кўпайтиришга ёшлар кўшадиган ҳиссани ошириш тўғрисида гап борди. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладида, комсомол XIX съездида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида комсомол ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди.

ВЛКСМ Марказий Комитети биринчи секретари Б. Н. Пастўков доклад қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети пленуми ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

БУГУН — ДЕНГИЗ ВА ДАРЁ ФЛОТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ДАРЁЧИЛАР ҲИММАТИ

Термиз дарё порти коллективи ўз байрамини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олди. СССР ташкил этилганлигинг қутлуг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтага чиққан дарёчилар Ўрта Осиё пароходчилигига қарашли пристан ва портлар коллективлари орасида юбилей йили ярим йиллик топшириқлари ижроси бўйича биринчи ўринни эгаллашди.

Порт коллективи юкларни ортиш, тушириш ва қайта ишлаш юмушларини пландаги 225 минг тонна ўрнига 316 минг тонна қилиб бажарди. Ильичевск порти докер-механизаторларининг прогрессив методи асосида ишлаётган А. Гришченко бошлиқ йиғриклаштирилган бригада аъзолари социалистик мусобақада пешқадамлик қилдилар. Пландаги 48,5 минг тонна ўрнига 60 минг тонна юк ишлари бажарилди. В. Цибабл, Ч. Ҳайдаров, Х. Шарипов ўртоқлар бошлиқ механизаторлар бригадалари ҳам ҳар бири 45-50 минг тоннадан юк ишлари адо этиб, анъанавий байрамларини ёруғ юз билан кутиб олдилар.

Юкларни қайта ишлаш, ортиш-тушириш ва белгиланган манзилларга барвақт етказиб беришда Ленинград транспорт узели коллективи тажрибасини кенг жорий этиш дарёчиларга катта имкониятлар яратяпти. Дарёчилар область автомобилчилари ва темир йўлчилари билан ҳамкорликда иш тутиб, халқ хўжалиги юкларининг маҳсулот бўлиб қолиш ҳолларига бутунлай чек қўйишди. Барча бўлинмалар бир маромда ишлаши порт фаолиятининг ҳамма жараёнларида эниқ ижрони таъминлаяпти. Жумақул Бозоров капитанлик қилаётган «Брест» теплоходининг шахсий состави Афғонистон Демократик Республикасининг Ҳайратон, Шерхон портларига экспорт юкларни етказиб бериш ва у ердан импорт юкларни ташиб келтиришда, айниқса, яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

Шу йилнинг бошида Деҳлида Совет фани, маданияти ва санъати уйи очилди. Кўпчилик жамоат ва сиёсий арбоблари, парламент аъзолари, юристлар, врачлар, ишчи ва деҳқонлар, студент ва мактаб ўқувчилари бу ерга келишади. Суратда: Ҳиндистон пойтахтидаги Совет фани, маданияти ва санъати уйи ёнида.

ТАСС фотохроникаси.

ИСПАНИЯ—АМЕРИКА МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

МАДРИД, 2 июль. (ТАСС). Испания матбуотининг хабарларига кўра, бу ёрда дўстлик, мудофаа ва ҳамкорлик тўғрисидаги Испания — Америка битимининг текстини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилган. Бу битим Испания билан АҚШ ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган ҳамда амал қилиш муддати шу йил 21 майда тугаган шартноманинг ўрнини олиши керак. Аввалги ҳужжат каби янги ҳужжат ҳам иккала мамлакат ўртасида асосан ҳарбий ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутади ва Испаниянинг НАТОга киришини кўллаб-қувватлайди.

Музокаралар чоғида АҚШ мамлакат территориясида Американинг ядро ракеталари жойлаштирилишига, Пентагоннинг Испаниядаги ҳарбий базаларида туриб тўла эркин ҳаракат қилишга эришиш учун зўр бериб уринди. Шарҳловчилар мана шу масалалар юзасидан иккала мамлакат ўртасида узок вактдан буён жиддий ихтилофлар бўлиб келганлигини қайд этмоқдалр.

Аммо Вашингтон ўз йўлини тиқиштиришга муваффақ бўлган кўринади. «Диарио-16» газетасининг ёзишича, «Ҳукумат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун зарур деб топган тақдирда Америка ракеталарини жойлаштириш эҳтимолдан ҳоли эмас». Ўз ракеталарини Испанияга «олиб кирмоқ» учун Вашингтон бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланиш ниятида эканлигини матбуот қайд этмоқда. «Пайс» газетаси ракеталар тўғрисидаги масала Испания — Америка муносабатлари жиддий эканлигини, ўзининг эзгу хоҳиш-иродасини музокаралар арафасида яққол намойиш қилди.

Америка томонининг ҳам Женева музокараларида масалага худди шундай ижобий ёндашувини истар эдик. Аммо президент Рейган АҚШ музокараларга «гоят жиддий ва ҳалоллик билан» қарайди, деб ваъда берган бўлса ҳам, айни вақтда «Американи қайта қуроллантириш» йўли амалга оширилишини тасдиқлади. Ядровий қурол-яроғларнинг янги, гоят ҳалокатли турларини вужудга келтириш ва кўпайтиришга асосланган бу йўлни тақлид этиш Вашингтон СССРга нисбатан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишлардан воз кечмаганлигини кўрсатади.

Америка делегациясининг стратегик қурол-яроғлар масаласида тутган асосий йўли эҳтиёт бўлишга мажбур этади. Масалан, Америка делегацияси эсти ўтиборни Ердан учириладиган қитъалараро ракеталарга қаратмоқда. Бу ракеталар СССР да энг кўп ривож топган бўлиб, мамлакатимиз ядро потенциалининг негизини ташкил этади, АҚШда эса денгиз ва ҳаводан отиладиган ракеталарга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Бундай ниятларнинг ҳеч қандай таг-замини йўқ. «АҚШга бир ёқлама устунлик бериши мумкин бўлган битимга, — деди Л. И. Брежнев КПССнинг XXVI съездида, — биз розн бўлмаймиз. Бу хусусда хом ҳаёллар бўлмаслиги керак». Қўшма Штатларнинг ўтмишда СССР билан музокаралар олиб борган сиёсий арбоблари, жумладан П. Уорнке, Ж. Смит, А. Жонсон буни яхши тушунадилар. Улар Рейган маъмуриятининг янги музокаралардан ўзининг ғаразли мақсадлари учун фойдаланиш йўлидаги уринишларига қарши бу маъмуриятни ошкора огоҳлантирдилар ва уни оқилона муросага келиш йўлларини зўр бериб кидириб топишга даъват этдилар.

Вашингтон ҳукумати бу даъватга амал қилса, музокаралар ғарчи масаланинг мураккаблиги туфайли огир шароитда узоқ давом этса ҳам, уларнинг муваффақиятли ўтиши таъминланади. Совет томони бу ишни тўхтатиб қўймайди.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ ЖИЛОВЛАШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Жаҳон халқлари стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва кисқартириш тўғрисида 29 июнь куни Женевада яна бошланган Совет — Америка музокараларига катта умид боғламоқдалар. Шундай бўлиши тамомила тушунарлидир. Бу музокараларда гап томонларнинг ҳуқуқий тенлиги ва бир хил даражадаги хавфсизлиги принципларига асосланган ҳамда ажал ва қирғин қуролининг энг кўп вайронгарчилик келтирувчи турларини ишлаб чиқариш пойгасига йўл қўймаслик ва уни тўхтатиш имконини берадиган аҳдномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида борянти. Аслини олганда бу музокаралар тинчлик учун жуда муҳим бўлган ва СҚЧ-1 ҳамда СҚЧ-2 шартномалари асос яратиб берган жараённинг давомидир. Шу боисдан, ана шу жараён доирасида шу вақтгача эришилган ижобий нарсаларнинг ҳаммасини келажакда тузиладиган битимларда сақлаб қолиш жуда муҳимдир.

Женева музокараларида қатнашаётган совет делегацияси стратегик қурол-яроғлар миқдорини кўп даража кисқартиришга ва айни вақтда уларнинг сифатни такомиллаштириш борасида самарали чеклашлар ўрнатилишига эришиш ҳақида топшириқ олган. Совет Иттифоқи ўз ниятларининг гоят муҳимлигини, конкрет натижаларга эришишдан манфаатдор эканлигини, ўзининг эзгу хоҳиш-иродасини музокаралар арафасида яққол намойиш қилди.

Америка делегациясининг стратегик қурол-яроғлар масаласида тутган асосий йўли эҳтиёт бўлишга мажбур этади. Масалан, Америка делегацияси эсти ўтиборни Ердан учириладиган қитъалараро ракеталарга қаратмоқда. Бу ракеталар СССР да энг кўп ривож топган бўлиб, мамлакатимиз ядро потенциалининг негизини ташкил этади, АҚШда эса денгиз ва ҳаводан отиладиган ракеталарга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Бундай ниятларнинг ҳеч қандай таг-замини йўқ. «АҚШга бир ёқлама устунлик бериши мумкин бўлган битимга, — деди Л. И. Брежнев КПССнинг XXVI съездида, — биз розн бўлмаймиз. Бу хусусда хом ҳаёллар бўлмаслиги керак». Қўшма Штатларнинг ўтмишда СССР билан музокаралар олиб борган сиёсий арбоблари, жумладан П. Уорнке, Ж. Смит, А. Жонсон буни яхши тушунадилар. Улар Рейган маъмуриятининг янги музокаралардан ўзининг ғаразли мақсадлари учун фойдаланиш йўлидаги уринишларига қарши бу маъмуриятни ошкора огоҳлантирдилар ва уни оқилона муросага келиш йўлларини зўр бериб кидириб топишга даъват этдилар.

Вашингтон ҳукумати бу даъватга амал қилса, музокаралар ғарчи масаланинг мураккаблиги туфайли огир шароитда узоқ давом этса ҳам, уларнинг муваффақиятли ўтиши таъминланади. Совет томони бу ишни тўхтатиб қўймайди.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

«КАТТА ЎНЛИК» ПРОБЛЕМАЛАРИ

Шу ҳафта ичида Брюсселдаги Эгмонт саройида Европа ҳамжамиятлари кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Сессия ишида «Умумий бозор»га аъзо бўлган ўн мамлакат давлат ва ҳукуматлар бошлиқлари қатнашдилар.

Халқаро ҳаётдаги энг кескин проблемаларни, Европа Иқтисодий ҳамжамияти олдида пайдо бўладиган энг машаққатли ёки қалтис масалаларни муҳокама қилиш учун «олий даражада» бундай учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Бундай проблемаларнинг эса сон-саноғи йўқ.

Савдо-иқтисодий соҳада Ғарбий Европа мамлакатлари билан АҚШ ўртасидаги кескин зиддиятлар «катта ўнлик» мунозараларининг диққат марказида турди. Рейган маъмурияти яқинда нефть ва газ қазиб чиқариш учун керакли машина-ускуналарни СССРга етказиб беришни кенг кўламда тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бу қарор Европа Иқтисодий ҳамжамиятида кескин норозилик билдирилишига сабаб бўлди. Вашингтоннинг камситиш мақсадларини кўзда тутган ана шу тадбири Совет Иттифоқи билан Ғарбий Европадаги фирмалар ўртасида имзоланган ўзаро манфаатли катта шартномаларни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Франция президенти Ф. Миттеран Брюссель учрашувида сўзлаган нуткида АҚШнинг «Умумий бозор»га нисбатан иқтисодий сиёсатини «Нодўстона ва агрессив» сиёсат деб атади. Ғарбий Германия делегациясининг вакили ҒФР «савдо-сотик соҳасида СССР билан кураш олиб боришни истамайди» деди. Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг раиси Г. Торн Американинг тақиқлаш чораларини бекор қилишга эришиш мақсадида халқаро судга мурожаат қилиш учун тайёргарлик кўрилаётганлигини кенгашга маълум қилди.

Сессияда қабул қилинган ҳужжатларда Америка маъмуриятининг ана шу калтабин сиёсати ҳам, умуман савдо ва молия соҳасида Вашингтон ўтказиб келаётган ғаразли йўл, жумладан, банд берадиган қарздан олинадиган процент жўттага оширилаётганлиги. Ғарбий Европадан АҚШга келтирилаётган пўлатга нисбатан таможня чеклови жорий этилаётганлиги ва шулар сингари бошқа тадбирлар ҳам қораланди. Аммо бу тадбирлар Европа ҳамжамиятлари министрлар кенгашининг яқинда Люксембургда бўлиб ўтган сессияси баёноти олдида ҳеч нарса бўлмай қолди ва ЮПИ агентлиги мухбирининг образли таъбирича, бу тадбир «Люксембург баёнотининг суюлтирилган ифодасидир».

Сессия қатнашчилари Яқин Шарқ проблемасини муҳокама қилиб, «Исроилнинг Ливанга бостириб киришини қаттиқ қоралидилар»» ва «уруш ҳолати тўхтатилган вазиятни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам сақлаб қолиш керак» деб таъкидладилар. Аммо улар Тель-Авив га нисбатан кўриладиган чоралар тўғрисидаги масалага эътибор бермадилар. Бундай чораларнинг кўрилиши Исроил агрессиясини тўхтатишга ва бу районда тинчликни тиклашга ёрдам берган бўлур эди.

Ўн мамлакат раҳбарлари ҳамжамиятнинг иқтисодий аҳволи мушкуллашганлиги, инсизлик муттасил кучайиб, 10,5 миллион кишини қамраб олганлиги, инфляция тез суръатлар билан авж олиб, саноат ишлаб чиқариши тушкунликка юз ўгирганлигидан ташвишланаётганликларини умумий гаплар билангина изоҳ қилдилар. Улар бундай ҳолатларга қарши курашмоқ учун бирон-бир конкрет тадбирларни таклиф этолмадилар.

Ю. РОМАНЦОВ,
Ю. ЛОПАТИН.
(ТАСС).

Редакция почтасидан

ОЗИҚ—ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ—АМАЛДА

ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ

Барча совет халқи каби совхозимиз чўлқуварлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини ўзларининг кундалик ишларида дастуриламал деб қабул қилдилар. Биз лар ана шу Пленумда қабул қилинган Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Совхозимиз ҳали ёш — шу йил баҳорда қўриқ ерларда ташкил этилган. Ишчи кучи, турар-жой етарли эмас. Шунга қарамай, бор имкониятларни ишга солиб, 1400 гектар майдонга маккажўхори уруғи қадаб олгандик. Парваришни юксак агротехника ва илғорлар тажрибаси асосида олиб боряпмиз.

Экинзорларимизда 33 та чопиқ трактори, юздан зиёд сувчи унумли меҳнат қиляпти. Юсуф Исломов, Сафар Худойқулов, Саъдулла Ғаниев, Пўлат Ўжаров, Тошмуҳаммад Эгамқулов, Кўбай Қўзиев сингари моҳир механизатор ва сувчиларимиз кунлик нормаларини бир ярим-икки ҳисса қилиб бажаришяпти.

Дастлабки экилган майдонлардаги маккажўхорилар ҳосилга кира бошлади. Қўриқ совхозимиз меҳнат аҳли 1400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан маккажўхори дони, кўплаб чорва учун тўйимли поя олишга аҳд қилишган.

1400 гектар майдонги ҳосилни нобуд қилмай йиғиб олиш катта куч талаб қилади. Биз бунга ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўряпмиз. Барча турдаги машина-механизмлар шай қилиб қўйиляпти.

М. ШИРИНОВ,
Б. СУВОНОВ,
А. РАҲМОНҚУЛОВ.

Арнасой районидаги маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган Соколовский номли совхоз бўлим бошқарувчилари.

ИХТИСОСЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

Оқтош қишлоғи қўшни Қирғизистоннинг Олабуқа райони билан чегарадош. Бу ерлар тоғ тизмалари остига жойлашганлиги сабабли баҳор ва ёз ойлари турфаранг гуллар, анвойи ўт-ўланларга бурканиб ётади. Бу табиий шароит асалари боқиш учун қулай имконият беради. Бултур бу ерда мазкур соҳага ихтисослашган янги «Оқтош» совхози ташкил этилганида шу нарса ҳисобга олинганди.

Янги хўжалик қисқа вақт ичидаёқ истиқболли йўлга тушиб олди. Бу йил биринчи хирмон кўтарилади. Белгиланган тадбирларга кўра асалари қутилари 2500 тага етказилади. Ҳар қути маҳсулдорлиги пландаги 27 ўрнига 30 килограммга етказилади. Жами 61 тонна тоғ асали олиниб, шундан 30 тоннаси давлатга сотилади. Қўшимча равишда 1200 килограмм асалари мўми етиштирилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари, Пленум маъқуллаган Озиқ-овқат программаси кенжа хўжалик меҳнат аҳли томонидан қизғин кутиб олинди.

— Биз, — дейди совхоз директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор Эргашбой Боймирзаев, — программада ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, мутахассисларимиз, тажрибакорларимиз билан биргаликда ўз имкониятларимизни ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Шунга асосан белгиланган тадбирларимизга кўра келажакда асалари оиласини 8000 тага етказиб, камида 210 тонна юқори сифатли асал олишни мақсад қилиб қўйдик.

Янгиқўрғон районининг олис тоғли зонасида янги ташкил бўлган асаларичилик совхозининг истиқболи порлоқ.

С. ТУРҒУНОВ.

Наманган области.

МУАММО, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ

МУҲИМ ОМИЛЛАР

Биз ҳозирги кунда энг йирик ва келажакда ҳам муҳим роль ўйновчи Қизилқум яйловларидан самарали ва тўлиқроқ фойдаланиш хусусида баъзи фикр-мулоҳазаларимизни баён қилишни лозим деб топдик. Аниқроғи, Қизилқум яйловларидан унумли фойдаланиш борасида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, ҳанузгача тўлиқ ишга солинмаган резерв ва имкониятлар ҳали анча. Унинг айримларига газетхонларнинг, биринчи навбатда, қоракўлчилик хўжаликлари раҳбарлари, мутахассисларнинг, шу соҳа билан бевосита боғлиқ бўлган ходимларнинг диққатини қаратмоқчимиз.

Қизилқум — республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимиз миқёсида ҳам энг катта саҳроларидан бири. Унинг умумий майдони 39 миллион гектардан ортиқ.

Пирик совет олими, академик А. Е. Ферсман Ўрта Осиё саҳроларига қилган дастлабки саёҳатидан кейинок Қизилқум ҳақида қуйидагиларни ёзган эди. «Ичимизда ҳеч биримиз, бу беқиёс қумларда шунча кўп жонли нарса бор, деб ўйламаган эдик. Минглаб бош туя ва бўталоқлар, тўда-тўда қўйэчкилар... хуллас, бу улкан территорияда жуда кўп мол боқилар экан. Чексиз қумлар орасида кўзга кўринмай йўқолиб бораётгандек туюладиган бу бойликларга етарли эътибор бермаслик бутунлай нотўғридир». Дарвоқе, бу фикр ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Қоракўлчиликни Қизилқум мисолида янада ривожлантириш ва самарали хўжалик юритиш учун қуйидаги омиллари — яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш, улардан унумли фойдаланиш, артезиан қудуқлари базасида ва сугориладиган ерларда озуқабоп экинлар етиштириш, яйловларни сув билан текис таъминлаш каби муҳим резервларни тўлиқ ишга солиш ва кўпгина бошқа тадбир чораларни амалга ошириш лозим.

Чўл яйловлари, жумладан, Қизилқум яйловларининг ҳосилдорлигини яхшилаш соҳасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника. Бутуниттифоқ қоракўлчилик ва Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтлари олимларининг кейинги 10—15 йил ичидаги самарали изланишлари натижасида чўлда қора саксовул ихотазорлари, юқори ҳосилли экма яйловлар барпо этиш, каммаҳсул яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш каби зарур тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бухоро областининг «Конимех» наслчилик хўжалигида, «Октябрь 40 йиллиги» «Кўнча», «Ғалаба» «Коммунизм», «Томди», Ленин номли, «Оёқ қудуқ» каби хўжаликларнинг ҳар бирида ҳозирги кунда 1,5—5 минг гектарга яқин сунъий қора саксовул ихотазорлари мавжуд. Улар чорва туёғини ошириш соҳасида ҳам, чўлда хўжалик юритиш борасида ҳам муҳим омил бўлиб келмоқда. Афсуски, кўпгина хўжалик раҳбарлари яйловларни яхшилаш масаласига етарли эътибор бермай келаётирлар.

Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах областларининг кўпчилик қоракўлчилик хўжаликларида қора саксовул ихотазорларидан ташқари яна бир неча минг гектар майдонларда сунъий изенсорлар, қуйровуқзорлар ва бошқа муҳим чўл экинларининг майдонлари бўлиб, улардан ҳар йили тўйимли озуқа ва уруғ тайёрлаб келинаётир. Бухоро области қоракўлчилик хўжаликларида мазкур экинлар майдони бир неча ўн гектардан зўрға ошади, холос.

Умуман, Қизилқум шароитида яйловларни яхшилашдаги ишларнинг каммаҳсуллиги қуйидаги сабабларга боғлиқ. Авваламбор, сунъий яйловлар яратиш агротехникасига тўлиқ риоя қилмаслик, уни кўпол равишда бузиш (масалан, уруғни жуда чуқур кўмиш ва ҳоказо), ёки мутлақо билмаслик ҳоллари содир бўлмоқда. Гап шундаки, дашт яйловларини яхшилашда қўлланиладиган ўсимликларнинг биологияси, экологияси ва агротехникаси ҳали пахта, беда ёки галласимон маданий ўсимликлар каби чуқур ўрганилган эмас.

Яна бир эътиборли масала, шундаки, янгидан барпо этилган яйловларда бир-икки йил мол боқилмаслиги тавсия этилади. Бироқ кўплаб хўжаликларда бу масалага эътиборсизлик билан қаралмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, барвақт мол боқила бошланаётганлиги сабабли ёш ўсимликларнинг 30—40 процентга яқини дастлабки йилиёқ мол туёғи остида нобуд бўлмоқда.

Сунъий яйловлар барпо этиш учун энг муҳим шартлардан бири ҳосилланган чўл ўсимликлари уруғчилиги Қизилқумда ҳанузгача ижобий ҳал этилмаган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилган кўп йиллик изланишлар Қизилқум шароитида чўл ўсимликлари уруғчилигини ташкил этишнинг жуда катта имкониятлари борлигини кўрсатди. Чунончи, изень, қуйровуқ, чогон, терескен, қора саксовул, черкез, қандим каби муҳим чўл ўсимликлари уруғини Конимех, Томди, Шофиркон ўрмон хўжалиги майдонларида етиштириш мумкин.

Артезиан қудуқлари йўли билан чўлда озуқа етиштириш Қизилқумда ем-хашак базасини мустаҳкамлашнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Кўп йиллик тадқиқотлар ва «Октябрь 40 йиллиги», Конимех наслчилик хўжалиги тажрибалари беда, жўхори, маккажўхори, кузги жавдар каби юқори тўйимли ва серҳосил ўсимликлар экиб яхши натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Афсуски, республикамизнинг чўл зонасидаги артезиан сув запаслари имкониятларидан етарли фойдаланилмоқда деб бўлмайди. Гидрогеологлар чорва озуқаси учун ем-хашак етиштириш мумкин бўлган 6 минг гектардан зиёд майдонни суғориш имконини берадиган 18 та участкадаги ер ости сувларини аниқлашган. Баъзан Қизилқумда қаровсиз ва фойдаланилмай беҳудага оқиб ётган ва етарли сув дебетига эга бўлган артезиан қудуқларини кўриб ажабланасан киши.

Яйловлардан унумли фойдаланиш қоракўлчиликда озуқа базасини мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим омилларидан биридир. Шуни қайд қилиш лозимки, айрим хўжаликларда яйловларнинг ўт-ўланлар турига қараб уларда мол боқиш мавсумидан фойдаланишга етарли эътибор берилмайди. Хўжаликларда сурункасига мол боқилиши туфайли анчагина яйловлардаги юқори тўйимли ўт-ўланлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Натижада яйловларда зararли ўтлар кўпайиб бормоқда. Кўмли яйловдаги қудуқлар атрофида ўсимликлар қатлами сийраклашиб бораётган майдонлар кўпаймоқда.

Советобод районидаги «Қарноб» наслчилик хўжалигида республикамизда биринчи бўлиб сим билан ўралган яйловда яйлов алмашинувини жорий этиш асосида қўй боқишга ўтилганлиги кўпчиликка маълум. Яйловни сим билан ўраш ва ундан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, аввало ундан ўз вақтида маълум навбат билан алмашилаб мол боқиш имконини беради.

Маълумки, чўлларнинг айрим участкаларида ер ости сувлари анча чуқур жойлашган. Шу сабабли яйловларни бу усулда сув билан таъминлаш анча серҳаражат. Кейинги йилларда қўйларни водопровод қувурлари ёрдамида сув билан таъминлаш яхши самара бермоқда. Айни вақтда бу усул чўл шароитида аҳолини сифатли сув билан таъминлаш, ҳатто кичик майдонларда деҳқончилик қилишга имкон бериши мумкин.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган муҳим омиллардан тўғри, унумли фойдаланган тақдирдагина Қизилқумда қоракўлчилик анча равнақ топади, деб оламиз.

М. МАҲМУДОВ,
Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати.
Р. ҲАЙИТБОЕВ,
шу институт илмий ходими.

Жиззах области чўлқуварлари сафига кўплаб ёшлар қўшилиб қўшилишмоқда. Улар янги ерлар очиб, пахтазорлар, боғ-роғлар бунёд этишаётир. Жиззах районидаги Карл Маркс номли совхоз меҳнаткашлари сафига қўшилиб, 40 гектар ерда маккажўхори етиштираётган самарқандлик Шоира Раҳимова (чапда) билан чаманзанлик Дилором Турдиевалар шулар жумласиндандир. Улар ҳар гектар майдондан 80 центнердан маккажўхори дони ҳамда кўплаб силосбоп кўкпоя топширишга қарор қилишган.

Ж. Тўраев фотоси.

Қардош ва жондошлар

ДИЛЛАР-ДИЛЛАРГА ПАЙВАНД

Совхозимизда ўн беш миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил яшаб келишади. Образли қилиб айтсак, улар бир гулзаннинг турфа гулларига, бир вужуднинг қон томирларига ўхшайдилар. Бири устоз—бири шогирд, бири ака — бири ука, бири қуда — бири қариндош. Бирининг шодлиги иккинчисининг байрами. Бири ғусса кўрса, иккинчиси унинг дилига нур олиб кирмагунча на тиним билади, на ором. Бўлимларда боғбону соҳибкорларни меҳнат ғалабалари сари бошлаб бораётган бригада бошлиқларидан С. Абдуллаев — ўзбек, С. Улфанов — озарбайжон, А. Бегалиев — қирғиз, Ю. Эсонов — тожик, А. Сариев турк миллати вакиллари. Уларнинг қалблари қардошлик, дўстлик, яқдиллик туйғулари билан тўлиб-тошган. Бригадаларимизнинг мақсади ягона — партия айтдими, уни бажариш, совхоз ишлаб чиқариш қувватини йил сайин ошириб бориш, ишчилар моддий фаровонлигини ошириш.

Устахонамиз мудири В. Герасин ўзида рус халқининг донолиги ва ўктамлигини, сут-товар фермаси механиги М. Данилов мордвинларнинг тиришқоқлигини, машҳур чорвадорлар З. Йўлдошева, М. Ғозиевалар татар миллатининг дилбарлиги, меҳрибонлиги, меҳнатсеварлигини, дурадгор Р. Гренинг немис халқининг омилкорлиги, қўли гуллигини тўла намоён қилиб келадилар.

Хўжалик дирекцияси, партия ташкилоти, ишчилар комитети дўстлик, интернационализм мавзуига асосий ва актуал масала сифатида қараб келадилар. Биз бу мавзуни юксалишимиз сарчашмаси деб биламиз.

Бузилмас қардошлигимизни яққол кўрсатиб бера оладиган мисолларни кўплаб келтириш имконига эгамиз. Совет кишиларига хос бу анъана ясли, боғча, мактабнинг ўзидаёқ фарзандларимиз онига сингиб бормоқда. Боғча, мактабларимизга бир бор бош суқинг-а, турли миллат ўғил-қизларининг бир оила аъзоси бўлиб қолганларига ҳайратланмасдан, қувонмасдан иложингиз йўқ. Аҳил яшаётган эр-хотинлардан ўзбек Усмонали Қурбонов билан озарбайжон Асалхон, ўзбек Сиддик Қурбонов билан татар қизи Гуляхон, Ҳоким Ҳомидов билан рус қизи Валялар турмуши, ўзаро муомаласи, иқболи Улуғ Октябрь меваси, ленинча таълимот тантанаси, албатта.

Ишчиларимизнинг тили ҳар хил. Бироқ диллари бир-бирига нурдек қўшилиб кетган. Қирғиз тўй қилса, рус билан татар хизматга бел боғлайли, озарбайжон тантанасида ўзбек меҳмон кутада, немис базмида мордвин палов емаса, «Андижон полкасиъ»та рақсга тушмаса, кўнгли ўрнига тушмайди.

Янгича урф-одатларимиз кенг қулоч отяпти. Хизмати синган ишчиларимизни пенсияга тантанали узатиш кенг тус олди. Бухгалтеримиз Л. Лазарева, план бўлими ходими Т. Костикова, тракторчи И. Алижоновлар тантана билан роҳат қучоғига узатилдилар. Ҳарбий хизматга жўнатишни нишонлаш, ҳовли гўйларини ўтказиш, улуғ кишилар билан учрашув кечалари каби урф-одатлар ҳам доимий, жонажон ишимизга айланиб қолди.

Ҳ. ЭРАЛИЕВ,

Фарғона районидаги У. Юсупов номли совхоз-завод партия комитетининг секретари.

ИЛҒОРЛАР—КПСС САФИГА

Янгийўл район партия комитети партия сафларини ўстириш, меҳнатда ўрнак кўрсатаётган ҳар томонлама етук, ишлаб чиқариш илғорларини партия сафига қабул қилиш масаласига катта эътибор бериб келмоқда. У бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналиши сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Кейинги бир йил мобайнида районда 72 киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Улардан 21 киши ишчи, 44 киши колхозчи бўлиб, 31 киши хотин-қизлардир. Бу соҳада Калинин номли колхоз партия ташкилотининг фаолияти эътиборга сазовор. Хўжаликда шу муддат ичида 8 киши КПСС сафига қабул қилинди. Коммунист деган фахрли ном эгаси бўлганлар орасида Калинин номли колхознинг илғор сут согувчиси Д. Усмонова, шу колхоз чорвачилик фермаси бригадири А. Рустамов, Ленин номли колхознинг пешқадам сут согувчиси Р. Йўлдошева, Х. Турсунқулов номли колхознинг илғор чорвадори Л. Султоновалар бор.

С. АЛИЕВ.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ҲАККА

Турибсан нега якка,
Қўниб ёлгиз теракка!
Дўстинг йўққа ўхшайди,
Дўст бўлайлик, кел, Ҳакка.

Қурмоқчи бўлсанг уя,
Тўплашаман хору хас.
Менга ёнгоқ яширган
Жойларингни айтсанг, бас.

ҚИЗИЛИШТОН

— Қизилиштон, дарахтларни
Нега тақиллатасан!
Эшикларин қоқиб гоҳ
Бизни лақиллатасан.
— Дарахтларнинг қуртини
Излаб, топиб ейман-да.
Меваларинг пишганда
Қурт тушмасин дейман-да.

Нусрат АБДУСАЛОМОВ,
дурадгор.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди

ҚАЛБ ХОТИРАСИ

Канадалик У. Крэнстон совет журналларидан бирига мактуб йўллаб, шундай деб ёзибди: «Совет Иттифоқида бўлганимда, сиз одамларда иккинчи жаҳон уруши ҳақида ноўрин хотира сақлаяпсизлар, деган қароргa келдим. Ҳамма ерда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни кўрасан киши. Сизда уруш тўғрисида жуда кўп китоб ва фильмлар чиқади. Бироқ яраларни кайта янгилашга ҳожат бормикин? Халқлар ўртасидаги ишонч йўлида аччиқ ўтмиш унутилса яхши бўлмасмикин?»

Танаси бошқа дард билмас. дейди халқимиз. Бу мактуб жангчоҳларда қон кечган ветерандар у ёқда турсин, урушни китоб ёки кино орқали билган ёшларни ҳам чуқур ҳаяжонга солиши турган гап. Йўқ, жаноб Крэнстон, уруш шароҳати ва қулфатини халқимиз хотирасидан ўчириб бўлмайди.

Озодлик йўлида жон олиб жон берган, машаққатли фронт сўқмоқлари бўйлаб душманни ўз уясига кувиб борган совет солдати буни асло унутолмайди.

Улуғ Ватан урушида йигирма миллион совет киши си ҳалок бўлди. Биргина Наманган областидан 23 минг ўғлон жангчоҳлардан кайтмади. Булар озмунча рақамларми?! Бу деган сўз — шунча хонадонда қалбларда бир умрга уруш жароҳати колди, дегани. Бу канча-канча етимлар, жиҳрондан вайрон бўлган қалблар, фарзанд доғида куйган ота-оналарнинг чексиз изтироблари дегани!

Наманганнинг Гиштқўпригида бир аёл бор. Эри урушдан кайтмади. Учта фарзандини тарбиялаб вояга етказди. Ҳали-ҳалигача у ўғилларини отасидан «ота» сўзини эшитса кўнгли вайрон бўлади: набиларининг «бобомиз канака эдилар» деган саволига жавоб тополмай азоблanади. Ҳали-ҳали у урушни лаънаталаб қолади.

Марҳумларни ҳурмат қилмаган, тирикларни ҳам эъзозламайди. Совет халқи ўзининг мард ўғлонлари номини бир умрга қалбда сақлайди. Улар хотирасига атаб, улар жасоратига бағишлаб ёдгорликлар ўрнатади. Ҳозир областимизда уруш қурбонлари шарафига тикланган етмишдан зиёд ёдгорлик бор.

Бир нигоҳ ташланг-а! Ёдгорлик олдида мангу олов ёниб турибди. Унинг пойида янги узилган гуллар. Рўпарада кўлтиқтаёқка суянган кария набирасига нималарнидир тушунтиряпти. Балки обеидан жудо қилган жанг суронларн тўғрисида сўзлаётгандир у? Нима бўлса ҳам шу онда набирасининг мурғак қалбида урушга нафрат, порлоқ хотираси ўйларимизда ва қалбларимизда яшаётган боболар жасоратига ҳурмат ҳисси туғилгани рост.

Биз буларни унутолмаймиз! Очилмасдан тупроқ қаъ рига кўмилган умид ва орзу гунчалари ҳаққи. мангу айрилик туфайли бевакт окарган сочлар ҳаққи, бир умрга «дада» деган сўзга илҳақ фарзандлар ҳаққи ҳеч кимни, ҳеч нарсани унутолмаймиз!

А. ТУРСУНОВ,
журналист.

МУКОФОТ ЭГАСИНИ ТОПДИ

Жиззах шаҳар ҳарбий комиссари Насим Салимовни ўз ҳузурига чақиргани унга эриш туйилди. — Мен ҳарбий комиссарга нимага керак бўлиб қолдим, — деб ўйлади кекса солдат.

Ҳарбий комиссар Насим акани ўз хонасида яхши кутиб олди ва ёнидан жой кўрсатди. Улуғ Ватан уруши ҳақида, жанг майдонларидаги мислсиз олишувлар тўғрисида ғап очди.

— Насим ака, Сиз Варшава учун бўлган жангларда қатнашганмисиз? — дея синовчан кўз билан унга юзланди полковник.

— Ҳа, бу воқеаларга анча бўлди. Лекин баъзи воқеалар ҳамон хотирамда сақланиб қолган.

Н. Салимов 45 миллиметрли қурол наводчиси бўлиб хизмат қилган гвардиячи дивизия Варшава учун оғир жанглар олиб борарди. Гвардиячилар Варшава шаҳрининг ҳар бир қаричи учун душман билан каттиқ олишдилар.

Жанглардан бирида Насим Салимов оғир ярадор бўлди. Госпиталда даволангач, яна жанговар сафга қайтди. Ўз расчёти составида фашистларга қирон келтирди. У гитлерчиларнинг улси — Берлинни штурм қилганлар сафида бўлди. Насим Салимов немис тупроғида — Ратиново остоналарида яна ярадор бўлди. Ватан уруши ғалаба билан тугагач, у чегарада хизмат қилди. Бу ерда унинг жанговар маҳорати ва матонати янада ёрқин намоён бўлди.

Ҳарбий комиссар ўрнидан турар экан унга жилмайди.

— Насим ака, Сизнинг хизматларингиз эвазига берилган мана бу мукофотни олиб қўйинг. Бу мукофот Сизни кўп излади. Шунисе билан қимматли, — деди полковник ва кекса солдат кўксига «Варшавани олгани учун» медалини тақиб қўйди.

Насим Салимовга эски жароҳатларнинг таъсири сезилиб қолган. Лекин у бўш келмасдан меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда. Жиззахдаги 1-область касалхонасида ишлаяпти. Одамларга қувонч бахш этяпти.

И. МИЛОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Норин районидаги 1-мактаб директори Ю. Йўлдошев хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ўз қизини олтин медалга тақдим этди» (Газетхон М. Рўзибоев мактубидан).

Ушбу шикоят хат текшириш ва чора кўриш учун НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ХАЛК МАОРИФИ БЎЛИМИга юборилган эди. У ердан олинган жавобда, жумладан, шундай дейилади:

— Хатда баён этилган фактлар тасдиқланди. Область халк маорифи бўлими буйруғига кўра, хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги, 9-синф журналидаги баҳоларни тўғрилаб, ўз қизини олтин медель билан мукофотланишга тавсия этгани учун Норин районидаги 1-мактаб директори Ю. Йўлдошев вазифасидан бўшатилди. Мактабнинг собиқ илмий мудири С. Сулаймоновга, 10-синф раҳбари М. Мамадалиевага каттик ҳайфсан берилди, Норин район халк маорифи бўлими мудири С. Раҳимжоновга, район халк маорифи бўлими катта инспектори Деҳқоновга, область халк маорифи бўлими инспектори Я. Д. Давидовларга эса ҳайфсан эълон қилинди.

* * *

Бир группа газетхонлар Жарқўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози раиси Т. Ўзбеков ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётганлигини ва бошқа камчиликларга йўл қўйилаётганлигини маълум қилишган эди.

Ушбу шикоят юзасидан текшириш ўтказган ЖАРҚЎРҒОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ редакциямизга шундай мазмунда жавоб йўллаган:

— Ариза юзасидан колхознинг молиявий фаолияти ревизия қилинди. Ревизия натижаси район партия комитети бюросида муҳокама қилиниб, камчиликларга йўл қўйганлиги учун колхоз раиси Т. Ўзбековга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилди. Колхозга келтирилган моддий зарар тегишли шахслардан ундириб олинди.

Назоратчилар ибрати

ЖАНГОВАР ЁРДАМЧИЛАР

Свердлов номли колхоз халқ контроли бош группаси ўз атрофига 130 назоратчини бирлаштирган. Улар тўққизта постга бўлинган ҳолда фаолият кўрсатишяпти. Халқ контроли бош группасига хўжалик партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Турсун Юсупов раҳбарлик қилмоқда. Турсун ака назорат ишида анча тажриба орттирган коммунистлардан. У қариб чорак асрдирки, ана шу жамоат топшириғини муваффақиятли бажариб келаётир. Унинг бу соҳадаги хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Т. Юсупов икки марта СССР халқ контроли комитети, бир марта республика халқ контроли комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Тажрибали контролёр қамиша группа ишининг талаблар даражасида олиб борилиши учун қайғуради.

Колхоз назоратчилари пахтачилик, чорвачилик ва социалистик мулкни асраш, иқтисод ва тежамкорлик масалаларига эътиборни кучайтирган ҳолда иш юритишяпти.

Назоратчилар яқинда хўжалик сут-товар фермасида текшириш ўтказиб, тежамкорликка қай тариқа амал қилинаётганлиги ҳақида ўзлари ишлаб чиқарган тавсиялар асосида ишлаяпти. Ҳозирги кунда ферма ишчилари ва мутахассислари ўзлари ишлаб чиқарган тавсиялар асосида ишлаяпти.



Бухоро области. Область матлубот жамиятининг «Спутник» пионер лагерида ёзги мавсумда мингдан ортиқ пионер ва ўқувчи дам олади. Болалар бу ерда вақтларини мароқли ўтказишляпти.

Суратда: пионервожатий Шаҳодат Санаева болалар билан Ленин тўғрисида суҳбат ўтказяпти.

А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

ҚУРИЛИШДА АЛГОРИТМ

Самарқанд университети ҳузуридаги автомат бошқариш системасининг студентлар конструкторлик бюросида турли объектлар қурилишининг энг мақбул муддатини аниқлаб берадиган алгоритм ишлаб чиқилди. Янгилик 150-трестда қурилишни оператив бошқаришда қўл келди.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Янгиерводстрой» трести 24-механизациялашган кўчма колонна мелиораторлари Ильич райони деҳқонларига 1700 гектар мелиорация жиҳатидан яхшиланган ерларни муддатидан бир ой илгари топширдилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мусобақа туфайли шу муваффақиятга эришилди. Бульдозерчилардан А. Рон, А. Панин, скреперчилар А. Мамедов, Х. Асилов, Т. Вохитов, экскаваторчи В. Шчетинин зардбор меҳнат қилиб 1983 йил ҳисобидан норма бажара бошладилар.

РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ САМАРАСИ

Узунлиги 106 километрга борадиган Ульянов каналини реконструкция қилиш Қарши чўлининг ўзлаштириладиган янги зонасидаги пахтакор хўжаликларни сув билан таъминлашни яхшилашга ёрдам берди. Эндиликда бу канал ҳар секундда 132,2 куб метр, — аввалгидан қариб бир ярим баравар кўп сув ўтказа олади.

«Қаршимелиоремстрой» тресттининг мелиораторлари қиска муддат ичида канални кўп йиллик лойқадан тозалаб, унинг тубини чуқурлаштирдилар. Зардбор объектда ҳар куни юзга яқин ер қазийдиган техника ишлаб турди. Энг қийин участкаларда портлатувчилар кўмаклашиб юборди лар. Шундай қилиб, биргалашиб, 1,5 миллион куб метрга яқин тупроқ сурилди. Канал соҳилининг бўштоб участкалари бетон билан мустаҳкамланди. Шунинг учун канал серсув ва тежамли бўлиб қолди. У яна 15 минг гектар қўриқ ерни суғоришга имкон беради.

ҚИШЛОҚДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

Қўрғонтепа районида саноат корхоналари қурилиши тобора кенгайтирилмоқда. Тошкент асбобсозлик заводининг филиали, Андижон ип-газлама комбинатининг Қўрғонтепа тўқув фабрикаси ишга туширилгандан кейин кўпгина колхозчилар ишчи касбини эгалладилар.

Ҳозир тўқув фабрикаси ёнида яна бир корхона — йигирув фабрикаси қурилиши бошлаб юборилди. «Андижангидрострой» бошқармасининг 6-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи бу фабрикани муддатидан бир йил олдин қуриб битказишга сўз берди.

НАСОСЛАРГА ЮКСАК БАҲО

Қарши гидрокомплексининг 7-насос станциясида ўрнатилган Я. М. Свердлов номидаги Урал гидромашиналар заводининг ноёб насослари синовлардан муваффақиятли ўтди. Ишлатувчилар ураллик мутахассисларнинг ишига юксак баҳо бердилар.

Мамлакатда катта марказдан қочма асосдаги насослар атайлаб Ўрта Осиё шароитларида ишлаш учун ясалди. Ҳар бир машина 1 секундда 25 куб метр сувни 16 метрдан 32 метргача баландликка чиқариб бера олади.

Янги машиналар аввалгиларига нисбатан анча тежамли бўлиб, пухта ишлайди. Қарши чўлида тўртта шундай насос ишлаб, Толимаржон «денгизига Амударё сувини тортиб чиқармоқда. Энди яна учта шундай агрегат монтаж қилинади. Булар Толимаржон сув омборини лойиҳадаги режимга чиқаришга, ҳар йили омборда 1,6 миллиард куб метр сув йиғишга имконият беради.

ПИОНЕР ЕЗИ

ЧЎҚҚИЛАРДА ГОРН САДОСИ

Пештоқига зарҳал ҳарфлар билан «Қамаши район Гагарин номидаги колхозлараро пионерлар лагери» деб ёзилган ороғмоҳда ўркач-ўркач қояларни ларзага келтириб горн янгради. Унинг чўзиқ овози узоқ вақт аксадо бериб турди. Тошдан тошга урилиб, ўйноқлаб оқаётган Лангар жилғасининг шилдираши бир зум тингандек бўлди.

Горнинг янгроқ садосига жавобан пионерлар югуришиб, лагерь майдонида бир пасда отряд-отряд бўлиб саф тортишди. Бешинчи, олтинчи, еттинчи отрядларнинг тоғ экскурсиясига тайёр эканлиги ҳақида бош пионервожатий Т. Темировга рапорт берилади.

— Болалар, лагерь — Қўрғонча — Оқтош — Оқмачит — лагер маршрути бўйича қиладиган саёҳатимиз аслида табиат қўйнида ўтиладиган уч соатлик дарсдир, — деди у сафлангаилар олдида. — Шу саёҳат чоғида табиат манзаралари, тоғ жинслари ва ўсимликлари билан яқиндан танишасиз. Ҳар хил гербарийлар тўплайсиз. Лагерга қайтганингиздан кейин сафар ҳақида эркин темада иншо ёзасизлар.

Шундан кейин отрядлар барабан ва горн садолари остида йўлга тушишди. Тоққа саёҳат... Шўх болаликнинг энг ширин дамларида саёҳат қилишлан ҳам гаштли нарса бормикин?!

Манзарасининг кўркамлиги-ю зилол сувининг шифобахшлиги билан оғизга тушган Кўкбулоқ ҳам ортда қолди. Болалар тарихий ёдгорликларга бой Қўрғонча тепалигига кўтарила бошладилар. Қуёш чиққанига бир ярим соатча бўлганига қарамай, унинг сержилва нурлари ҳали бу ерларни забт этганича йўқ. Ўт-ўланларга ўлкан қоялар соя ташлаб турибди. Ниҳоят Оқтош чўққисида горн янгради, — пионерлар кўзланган дастлабки маррага етдилар. Чўққининг шамоллар сайқал берган фусункор қирралари кўзни қамаштиргудек жилваланади. Ҳув пастда, қоялар соясида қолган арчазор бу ердан қорайиб кўринади.

Болалар группа-группа бўлиб тарқалиб кетишди. Айримлари оҳактош, яъни бўртошларнинг чиройли шаклларини сафар халтачасига жойлашга тушдилар. Ўсимликлардан, барг ва гўллардан гербарий тўплаётганлар ҳам кўп. Тоғ манзарасини қоғозга кўчиришда ўз маҳоратини синаб кўраётганлар ҳам талайгина. Бу ҳол Оқмачитда ҳам такрорланди.

Отрядлар лагерга қайтиб келганларида тушлик овқат вақти яқилашиб қолган эди. Болаларнинг бу сўлим гўшасида ҳар бир кун ана шундай қувнок ўтмоқда. Улар яхши чиниқиб, кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар.

И. ЖЎРАЕВ,
Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчиси.
Қашқадарё области.

ИНСОН ТАҚДИРИ

МЕҲР

Ўшанда баҳор кезлари эди. Ҳали Ер қуррасининг Ғарб томонида қонли уруш давом этарди. Немис-фашист қўшинлари Ватанимиз тупроғидан қувилиб, халқлар асоратдан озод қилинаётган кезлар эди. Абдуқодир ака ана шу қонли ва оловли жангтоҳдан бир оёғидан ажраліб қайтди...

У 1942 йилда кўплар қатори она-Ватан ҳимоясига отланган эди. Сталинград мудофаасида, Курск-Орёл оловли халқасида, Белоруссияни немис-фашистлардан озод қилиш учун олиб борилган даҳшатли жангларда қатнашди. Ўқчи полкида сиёсий ишлар бўйича рота командири ўринбосари, кейинчалик взвод, рота командири вазифасида жанговар ҳаёт йўлини босиб ўтди. Жангларда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Кўкрагини Қизил Юлдуз орденлари ва бир неча жанговар медаллар безади.

... Баҳор кунларининг бирида Мархамат районининг дала йўлида бир йигит қўлтиқтаёққа суянганича борарди. Бу Абдуқодир Муҳиддинов эди. У бир оз ҳордиқ чиқариш учун чойхонага бурилди. Ўтирганлардан бири Абдуқодирга юй узатди:

— Ол, солдат, чойдан ич! Шу пайт бир чеккада мунғайиб ўтирган икки киз ва бир ўғил болага унинг кўзи тушди. Уларнинг аҳволини кўриб Абдуқодирнинг юрак-бағри эзилиб кетди. Уларнинг каттаси 9 ёш, кейингиси 7 ёшда, энг кичиги — ўғил бола эса 5 ёшда экан.

«Бу лаънати уруш катталарни десак, болаларнинг ҳам бошига мусибатлар келтирди. — деган ўй ўтди Абдуқодирнинг кўнглидан. — Уруш оловини ёққан Гитлерга — фашизмга лаънатлар бўлсин».

Абдуқодир болаларнинг бошини меҳр билан силаркан, аста сўради:

— Қаердан келяпсизлар?

— Мархаматдан, — деб жавоб қайтарди уларнинг каттаси. — Булар менинг укаларим.

— Ота-оналаринг ким? Улар қаерда?

— Низом ака деган киши Отамиз урушда ўлганлар Онамиз эса касал бўлиб вафот этдилар. Биз етим қолдик.

Бундай жавобдан Абдуқодирнинг вужудига титроқ югурди. Оғир хўрсиниб қўйди. Ўтирганлардан бири кўзларидан милт-милт ёш оқаётган кизни овутган бўлиб деди:

— Қўй, кизим. йиғлама. Сенга ҳам, укаларингга ҳам ота-оналик қиладиган яхши одамлар топилиб қолар.

— Ўқчида холамиз бор, — деди ниҳоят кўз ёшларини артиб киз. — Ўйларида егулик ҳеч нарса йўқ экан. Укаларим билан кўчага чиқишга мажбур бўлдик.

Абдуқодир ортик чидай олмади. Қўлтиқтаёқларига суянib, ўрнидан базўр кўзғалди.

— Юринглар, болалар. Менинг уйимда яшайсизлар. Биз оч бўлсак — оч, тўқ бўлсак — тўқ яшайсизлар, — деди-да, уларни бошлаб йўлга тушди. Болалар бошларини қуйи эгганларича бу меҳрибон кишининг ортидан эргашдилар.

Абдуқодир қўлтиқтаёғи билан эшик тақасини туртиб очди. Бор овози билан хотинини чақирди...

— Мунаввархон, ҳой Мунаввархон!

Ичкаридан қўлида бола кўтариб бир хушрўйгина аёл чиқди. У бир зумгина туриб колди-да, сўнг бир чеккада турган болаларга кўзи тушди. Хотининнинг таажжубланаётганлигини англаган Абдуқодир изох берди:

— Буларни кўчадан олиб келяпман Ота-оналари йўқ экан. Каттасининг исми Саодатхон, кичиклари Кароматхон ва Иноможон.

Мунаввархон гап ниматалигини тушунди. Дарҳол болаларни ичкарига бошлаб кирди. Аввал уларни овқатлантирди. сўнг ювиб-тараб янги кийимлар кийгазди. Шу куни болалар биринчи марта тинч ухлашди.

Табиатан бағри кенг, очиқ кўнгил. Сахий Абдуқодир билан Мунаввархонлар етимларга меҳри қўёшлик қилишди. Бир неча кундан кейин Кароматхон билан Иноможнни болалар уйига жойлаштиришди. Саодатхонни эса ўзлари билан олиб қолишди. Саодатхон уларга Абдуқодир аканинг ўз фарзандлари Тўхтахон, Зайнабхон ва Доноҳонлар қатори фарзанддай бўлиб қолди. Мунаввархон ая Саодатхонни оқ ювиб, оқ тараб оналик қилди.

Орадан йиллар ўтиб, яхши кунлар ҳам келди. Турмуш изга тушиб кетди. Саодатхон бўйи етгач, уни иззат-ҳурмат билан турмушга беришди. Кароматхон Ўқчи қишлоғидаги холасининг қўлида тарбияланиб вояга етди. Иноможон болалар уйида ўқиб, еттинчи синфни битиргач, механизаторлар тайёрлаш курсига кирди. Ҳаётдан ўз ўрнини топди.

Кўп сувлар оқиб ўтди. Саодатхон ҳозир олти болаларнинг онаси. У Саодатхон турмуш ўртоғи Абдумўмин Ортиқов билан тинч-тотув турмуш кечирмоқда. Абдуқодир ака билан Мунаввархон аялар ўз фарзандларидай бўлиб қолган Саодатхоннинг оилавий турмушидан хабар олиб туришади. Саодатхон ҳам бу меҳри қуёш кишиларни ўз ота-онасидай ҳурмат қилиб,улар атрофида парвона бўлади.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 42 йилдан бери КПСС аъзоси Абдуқодир ака Муҳиддинов ҳозир етмишдан ошганлигига қарамай, тинim билмайди У район ветеранлар Советининг раисидир. Абдуқодир ака билан Мунаввархон аяларнинг олти нафар фарзандлари ҳам халқимизга сидқидилдан хизмат қилаётган ажойиб кишилари бўлиб улгайишган.

Болаларни севиш — ҳаётни севишдир. Огир пайтлар бўлишига қарамай, етимларнинг бошини силаб, меҳрини бағишлаб, тарбиялаган бу мурувват, саховат эгаларига таҳсинлар ўқиғингиз келади. Чунки ана шундай кишилар билан ҳаётимиз гўзал ва фароғатлидир.

Қ. ТЕШАБОЕВ,
Андижон область, Мархамат районидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ESPANA 82

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

ЧЕМПИОН БЎЛИШ ОСОНМАС

Аргентина футболчилари бешинчи ўйиндан кейин чемпионликдан умидларини узишди. Улар чемпионатнинг биринчи кисмида Бельгия (0:1), Венгрия (4:1), Сальвадор (2:0) командалари билан куч синашиб, курашни давом эттиришаётган эдилар. Чорак финал ўйинларини Италия (1:2) футболчилари билан бошлаб, Бразилия билан бўладиган учрашувга катта умид билан келишганди. Хатто команданинг катта тренери Менотти: «Бразилияни ютса бўлади. Биз чемпион бўламиз», деб катта кетган эди. Лекин унинг ишонган ўйинчилари бунинг уддасидан чиқиша олмади.

Чемпионат бошидан бери мағлубиятсиз дуранг нималигини билмай тўп сураётган Бразилия футболчилари зўр маҳорат ва илҳом билан ўйнаб рақибларининг умидларини пучга чиқардилар. Учрашувнинг 13-минутида Зико ҳисобни очишга муваффақ бўлди. 68-минутга борганда Фалькао оширган тўпни Сержиньо боши билан уриб дарвозага йўналтирди. Орадан 7 минут ўтиб, Жуниор ҳисобни 3:0 га етказди. Танг аҳволда колган Марадона аламзадалик билан қўполликка йўл қўйди. Судья уни майдондан чиқариб юборишга мажбур бўлди. Марадонанинг «қалтис ҳазили»дан ўзига келолмаган Батиста ҳам майдонга қайта тушолмай, командалар ўн кишидан бўлиб ўйнашди. Шу орада Диас жавоб тўпи киритиб, ҳисоб 3:1 бўлди.

Ҳар қалай, кейинги пайтда мухлису мутахассислар оғзидан тушмай қолган Марадонага қийин бўлди. У бу йилги чемпионатда иккитагина тўп киритиш билан кифояланди. Аргентина командаси Испанияга 800 килограммдан пишлогу мармалад билан етиб колган кукиёқ «Барселона» клубида ўйнаш учун мўмайгина битимга имзо чеккан Марадона энди нима қиларкин?

Ҳар бир ўйинни ишонч билан ўтказаётган Бразилия командаси энди Италия футболчилари билан майдонга тушади.

Испаниялик футболчилар ўйинда ГФР командасига (1:2) имкониятни бой бериб, ярим финалга чиқолмай колишди. Энди ГФР ё Англия командаларининг Олтин кубок учун курашни давом эттиришлари масаласи Испания — Англия командалари учрашувида ҳал бўлади.

Х. НОСИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» спорт шарҳловчиси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Будильник. 10.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.10 — Здоровье. 11.55 — Тенгги почта. 12.30 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. 13.30 — «Шчелкунчик» балети. 15.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 16.55 —Бугун — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни. 17.25 — Музикали программа. 18.00 — Мультфильмлар. 18.35 — П. Чайковский номли VII Халқаро конкурс кундалиги. 19.20 — Халқаро панорама. 22.05 — Музикали программа. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Футбол. Жаҳон чемпионати. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Кинопрограмма. 10.00 — Ҳайвонот оламида. 11.00 — Москвада уч кун. Бадиий фильм. 1-, 2-серия-лари. 13.10 — Фан ва техника. 13.20 — Спорт программаси. 14.20 — Ҳужжатли фильм. 14.40 — Мардлик. Бадиий фильм. 4-серия. 15.45 — Концерт. 16.15 — Мухбирларимиз ҳикоя қилади. 16.45 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 18.00 Кўк қушча. Спектакль. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 21.30 — Время. 22.05 — Кемалар тўхтайдиган жойда. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 11.40 — Мультфильмлар. 12.00 — Қувнок стартлар. 13.00 — Айтайликми, сен капитансан. Бадиий фильм. 14.05 — Ўзбекистон спорти. 14.35 — Реклама. 18.05 — Мен, сен ва мультик. 18.40 — Фонарик. 19.10 — Бугун — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бахс. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Мустаҳкам озуқа базаси учун. 22.35 — Ўтай она. Бадиий фильм.

16.30 — Қирғизистон телевидениесининг программаси.

5 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Футбол. Жаҳон чемпионати. СССР — Польша. 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.15 — Концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Оналар мактаби. 16.30 — Халқ куйлари. 16.45 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 17.15 — Жазоирнинг миллий байрами. 18.00 — П. Чайковский номли VII Халқаро конкурсда. 18.55 — Футбол шарҳи. 19.25 — Партия планлари — халқ планлари. 19.55 — Футбол. Жаҳон чемпионати. СССР — Польша. 21.30 — Время. 22.15 — Футбол. Жаҳон чемпионати. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.00 — Қирғоққа йўл. Бадиий фильм. 11.25 — Будильник. 11.55 — Спорт программаси. 12.55 — Пан Тау. Бадиий фильм. 1- 2-серия. 13.55 — Табиатшунослик. 14.25 — Концерт. 15.50 — Фан оламида. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Концерт. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Ярмаркадан сўнг. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Болалар учун фильм. 19.00 — Болалар учун концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-маъаралар. 20.00 — Афғонистон шоирлари — студиямиз меҳмони. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Кентаврлар. Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Она тили. 18.40 — Телефильм. 18.50 — Математика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Шифокор экрани. 20.50 — Кинопрограмма. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

4 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Халқ куйларидан концерт. 9.15 — Табассум. 11.30 — С. Анваровнинг «Ҳой гуллар» қўшиғи ўргатилади. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Табаррук замин. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15 — Курашдан курашнинг олимпиада турнирига. 18.30 — Денгиз ва дарё флоти ходимлари учун концерт. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — Социалистик турмуш тарзи. 21.00 — Олтин лаҳзалар. 22.30 — С. Қобилова ва М. Аҳмедов куйлайди.

5 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Дўстлик ҳақида куйлаймиз. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Ёшлик қўшиқлари. 19.25 — Оркестр куйлари. 20.50 — Жазоир мустақиллигининг 20 йиллигига. 21.00 — Т. Эрназаров. Олтин камалак. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ НАРИМАНОВ ШАҲРИДАГИ 218-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь, электр-газ пайвандчи, слесарь-сантехник, жиҳозларни ремонт қилувчи слесарлар, металларни конструкция-лаш ва тайёрлаш бўйича слесарлар, суводчи-пардозловчи, гишт терувчи, электрларни монтаж қилувчи ва монтёр, автослесарь, дурадгор. тошларни қайта ишлаш бўйича токарь (кесувчи, шакллантирувчи).

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат билан ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир кисми билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма берилади. Ўқиш муддати 1 йилгача бўлган ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Директор номига ариза қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 8 йиллик маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (ёки ўрта маълумоти ҳақидаги аттестат), турар жойидан справка, медицина справкаси (286 форма), 6 та фотосурат (3х4 см.).

Машғулотлар 1982 йил 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент область, Нариманов шаҳри, «Водник» массиви.

177-КОГОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982 — 83 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тепловоз машинистлари (ўқув муддати икки йил), тепловоз машинисти ёрдамчиси (1,5 йил), вагон текширувчилари (1 йил), тепловоз ремонти слесарлари (1 йил), СЦБ электромонтёрлари (1 йил). станция навбатчилари (1,5 йил), вагон ва юкларни қабул қилувчилар (1 йил).

Бу мутахассисликлар бўйича билим юртига 10 синфни битирган ва ҳарбий хизматни битириб қайтган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар формали кийим-бош ва темир йўли имтиёзларидан фойдаланадилар.

Шу билан бирга билим юртига 8-синфни битирган ўқувчилар ҳам қабул қилинади. Уларга ўқиш муддати 3 йил бўлиб, қабул қилинган мутахассисликлар билан бирга етуклик аттестати ҳам оладилар, улар тўлиқ давлат таъминотида бўлиб, формали кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат ва стипендия билан таъминланадилар.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), туғилганлик ҳақида гувоҳнома, автобиография, характеристика, оилавий аҳволи тўғрисида справка, фотосурат (3х4 см., 3 дона), соғлиғи ҳақида справка (фақат темир йўл поликлиникаси томонидан).

Билим юрти адреси: Когон шаҳри, Бухоро шоссеси, 1-уй. Телефон 2-25-98.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра ассистентлари: биоорганик ва биологик химия (биологик химия бўйича ассистент), нормал физиология, умумий гигиена, шу жумладан болалар ва ўсмирлар гигиенаси, сил касаллиги, шу жумладан болалар сил касаллиги (3 ўрин), терапосил касалликлари (2 ўрин), анестезиология курсига.

Конкурс муддати — 22 июлгача.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

мажбурий ҳарбий хизматдан запасга бўшатилган ҳамда ҳарбий қисмлар томонидан олий ўқув юртига ўқишга юборилган ҳарбий хизматчиларни

1982 ЙИЛДА қуйидаги мутахассисликларга конкурсдан ташқари

СТУДЕНТЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

0511 — қурилиш ҳамда йўл машиналари ва ускуналари;

1211 — автомобиль йўллари;

1212 — кўприк ва тоннеллар;

1609 — автомобиллар ва автомобиль хўжалиги;

1737 — бухгалтерия ҳисоби.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй.

Тошкент Давлат медицина институти ректорати, партия, маҳаллий комитети ва физика кафедраси коллективи кафедра мудири доцент С. Д. ЙЎЛДОШЕВа онаси

Осиё Тохтаровна ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

АВТОМОБИЛДА ЕРНИНГ ИССИҚЛИГИНИ ЎЛЧАШ

Озарбайжон ССР Фанлар академияси «Геофизика» илмий марказининг мутахассислари ишлаб чиққан прибор геологлар геотермик съёмка қилаётганларида уларни разведка қудуқлари кавлаш заруратидан халос қила олади.

Одатда, шу мақсад учун қудуқлар пармаланади ва термозондлар ёрдами билан ер остидаги жинс ҳароратни ўлчанади. Шу натижаларга қараб тузилган карталар фойдали қазилма бор-йўқлигини аниқлашда ёрдам беради.

Приборни автомобилнинг бамперига ўрнатиб, юриб кетаётганда исталган нуқтанинг ҳароратини 30 метрга қадар чуқурликда ўлчаш мумкин. Янги ўлчаш усули геотермик съёмкага зарур вақт ва маблағни анча қисқартиради.

(ТАСС).

АЖОИИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЖАЗИРАМАДА ИССИҚРОҚ КИЙИНИНГ

Туркманистонга енгил-елпи кийиниб келган ҳар бир меҳмонга Қорақум аҳолиси жазирамада иссиқроқ кийиннинг, деб маслаҳат беради. Қорақумда бир неча ой давом этадиган кирк беш даражали ҳарорат кексаларнинг биринчи қарашда ғалати бўлиб туюлган бу маслаҳатларига беихтиёр қулоқ солишга мажбур этади.

Ҳатто Қорақумда туғилиб ўсганлар ҳам жазирамани ёктирмайди, албатта. Лекин улар ўз ҳаётларини табиий шароитларга мослаб, бу жазирамага кўникиб кетганлар. Улар тонготарда ва кечкурун чорва боқиб, экин парвариш қиладилар, кун қизиганда эса дам олиб, бир маромда ишлайдилар.

Аждодларнинг тажрибалари маҳаллий аҳолига анча ихота тадбирларини мерос қолдирган. Улар кумликда ўтовни энг мос уй деб биладилар: намат кечаси «ушланган» салқинни бамисоли «консервалаб қўяди», чўпоннинг либоси эса модага ҳам, замонга ҳам қарамайди. У кўпроқ шимолдаги кишилар либосига ўхшаб кетади. Чўлнинг жазирама иссиғи юқори кенгликларнинг оппоқ қори сингари одам либос остида сунъий микроиқлим вужудга келтиришини такозо қилади. Шунинг учун ҳам энг жазирамада кумли аҳоли бутун бир қўй терисидан тикилган каттакон телпакни, пахтали тўнни эгнидан ташламайди, Брезент этигини ечмайди. Шу телпак остига қўйилган термометр 35 даражани кўрсатади: бунга бемалол чидаш мумкин.

Яна бир маслаҳат шуки, тез-тез иссиқ кўк чой ичиб туриш керак. Унга кўпинча янтоқ суви қўшилади. Бу чанқоқни яхши қондириб, кишини тетиклаштиради.

Е. ПРИХОДЬКО,
(ТАСС мухбири).
АШХОБОД.

Тоғда ер қимирлади

ДУШАНБА, 2 июль. (ТАСС). Бугун Москва вақти билан соат 11 дан 4 минут ўтганда Тожикистон территориясида ер ости силкинишлари сезилди. «Душанба» сейсмик станциясининг маълумотига кўра, ер қимирлаш маркази Афғонистон территориясидаги тоғларда. Тожикистон пойтахтидан тахминан 300 километр нариладир. Душанба, Хорог ва Кўлоб шаҳарларида ер ости силкинишларининг кучи 4 баллга етди. Ер қимирлаши натижасида вайронгарчилик содир бўлмади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78, Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02067. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 154. 6